*Phd, Assistant Professor, Jan Kochanowski University in Kielce, Faculty of Law and Social Science (Poland)*

**Anna Krzysztofek**

*Phd, Assistant Professor, Jan Kochanowski University in Kielce, Faculty of Law and Social Science (Poland)*

**Background:** According to the European Commission, entrepreneurship is recognized as one of the key competences in the lifelong learning process (Mccallum et al., 2018). Entrepreneurs through the creation of new, also innovative ventures stimulate the development of the economy, improve its competitiveness and create job places (Mitchelmore, Rowley, 2010). The development of entrepreneurship' culture in society is also a role of the Higher Educational Institutions (HEI) because such competencies can be acquired and developed through learning (Lans et al., 2014). During the learning process including an aspect of the entrepreneurship education HEIs influence the career selection of students, stimulate individual entrepreneurial orientation and entrepreneurial behaviors (Ferreira, Fernandes, Ratten, 2017; Kacperczyk, 2013). Researchers also underline that family background is one of the factors which can influence the level of entrepreneurship (Halaby, 2003; Nurlaily, Aini, Amsmoro, 2018) together the country and culture effect (The Global Entrepreneurship Monitor, 2020; Iakovleva et. Al, 2011; Lee at al., 2006). All that issues were a part of the project “Intergenerational Family Businesses as a Stress Management Instrument for Entrepreneurs (INTERGEN)”, implemented by an international scientific network of twelve universities from 2018 to 2020 (more info: [www.intergen-theory.eu](http://www.intergen-theory.eu)).

Still relatively little is known about young adults' views on entrepreneurship especially in comparison with other countries and the answer to the question of how HEI can inspire and stimulate students to set up their venture is open (Bakraheva, et al, 2020). The issue of entrepreneurial behaviors is a vital aspect of the study of entrepreneurship and identification relations and factors determinating student's decisions in this area, seems critical.

**Purpose:** The paper aims to identify the level and compare willingness of students to start their venture or/and preferences to be employed in some company and check whether there is a statistically significant main effect of the country and/or interactions with gender, age and type and major field of study.

**Method:** The study is based on a sample of 1424 students from twelve universities located in six countries: Albania, Bulgaria, Poland, Romania, Russia, Serbia. The survey (PAPI) was carried out three-fold at intervals (Sep'2018 to June 2019.) on groups of students, before and after classes on entrepreneurship and family businesses in each project country. The participation in the survey was voluntary. The questionnaire consisted of 37 items surveying 5 components including such issues as having a clear vision about the future, the attitude of young people to remain in their country or pursue career development abroad, their attitude to start own venture or preferences to be employed in some company and willingness to involve their family, relatives and close people in their plans. Also, the questions measuring the perceived well-being were included. In this research, only the data according to the entrepreneurship intention were analyzed. Entrepreneurship intentions were diagnosed with the use of items as for example: *I prefer to have my own business; I prefer to be employed in a big company; I have ideas for my own business; I consider that the creation of an innovative product could make you successful; I consider that success is a result of combination and expansion of products/services would like to continue our family business; I have ideas how to improve our family business.* The research tool has been designed using the 5-point Likert scale from “strongly agree” to “strongly disagree”. The data were analyzed using factor analysis, correlational analysis, ANOVA, T-test, and paired samples t-test. Those methods allowed examining whether there is a statistically significant relationship between the analyzed variables.

**Findings:** The target group was students, at the beginning of their career path, in the moment of the decision-making process about their future. There were 20% of males and 70% of females taking part in the survey aged between 17 to 66 years (mean 24). Students share they want to set up a business (mean 2,4930) and have ideas for their own business (mean 2,4501) and are inclined also to continue and improve their family business (mean 2,9333). The paired sample statistics show that the preferences to start own business are more desired compared then working at a company. Preference to work as an employee or start own business as well as ideas ready to implement as own business and innovative products, are not determined by sex, as well as the intention to extend family business. There are also some significant differences between surveyed countries in this area. The age also has no effect on the preferences of students to work as employees or start own venture. The country effect is significant. Own venture is preferred less by Polish students compared to Albanian. Romanian

students prefer own business to lower extent compared to Albanian, Russian, Serbian, Polish, and Bulgarian students but they prefer to continue the family business (Romania, Albania). In Bulgaria students have more ideas about own business compared to the other countries taking part in the research.

**Practical implications:** The finding can be used as a supporting instrument in designing the entrepreneurship courses, training and other university activities such as incubation programs. Further, curricula, good practices included in the INTERGEN published results can be adapted to specific cultures. The result of research gives international, cross-country and, cross-cultural perspectives on the entrepreneurship behaviors of young people.

**Research limitations/implications:** The samples are not representative and cannot be generalized to the entire population of students. More advanced research about the antecedences of young people entrepreneurship attitude is still needed.

**Keywords:** *InterGen, entrepreneurship, entrepreneurial intention, entrepreneurial behavior, venture*

## Bibliography

1. Bakracheva M., Pavlov D., Gudkov A., Diaconescu A., Kostov A., Deneva A., Kume A., Wójcik-Karpacz A. Zagorcheva D., Zhelezova-Mindizova D., Dedkova E., Haska E., Stanimirov E., Strauti G., Taucean I., Jovanović I., Karpacz J., Ciurea J., Rudawska J., Ivascu L., Milos L., Venera M., Sheresheva M., Tamasila M., Veličković M., Damyanova S., Demyen S., Kume V., Blazheva V., 2020, The intergenerational family businesses as a stress management instrument for entrepreneurs, Academic Publisher University of Ruse “Angel Kanchev” e-ISBN: 978-954-712-794-4
2. Ferreira J.J., Fernandes C.I., Ratten V. (2017) The Influence of Entrepreneurship Education on Entrepreneurial Intentions. In: Peris-Ortiz M., Gómez J., Merigó-Lindahl J., Rueda-Armengot C. (eds) *Entrepreneurial Universities. Innovation, Technology, and Knowledge Management*. Springer, Cham. [https://doi.org/10.1007/978-3-319-47949-1\\_2](https://doi.org/10.1007/978-3-319-47949-1_2)

3. Halaby CN (2003) Where job values come from: Family and schooling background, cognitive ability, and gender. *Amer. Sociol. Rev.* 68(2), pp. 251–278.
4. Iakovleva, T, Kolvereid L, Stephan U (2011). Entrepreneurial Intentions in Developing and Developed Countries, *Education and Training* 53(3):353-370  
Follow journal: 353-370. DOI: 10.1108/00400911111147686
5. Kacperczyk A., (2012). The Effect of University Peers on Entrepreneurial Entry  
*Organization Science, Articles in Advance*, pp. 1–20.
6. Lans, T., Blok, V., Wesselink, R. (2014). Learning apart and together: towards an integrated competence framework for sustainable entrepreneurship in higher education. *Journal of Cleaner Production*, 62, pp. 37-47.
7. Lee S. M, Lim S., Pathak R.D., Chang D. Li W., (2006) Influences on students' attitudes toward entrepreneurship: A multi-country study, *Entrepreneurship Mgt.* (2006) 2: 351–366, DOI 10.1007/s11365-006-0003-2
8. Mitchelmore S., Rowley J. (2010), Entrepreneurial competencies. A literature review and development agenda. *International Journal of Entrepreneurial Behaviour and Research*, 16, pp. 92-111.
9. McCallum, E., Weicht, R., McMullan, L., Price, A., *EntreComp into Action – (2018). Get inspired, make it happen: A user guide to the European Entrepreneurship Competence Framework*, Bacigalupo, M. and O'keeffe, W. editor(s), EUR 29105 EN, Publications Office of the European Union, Luxembourg, 2018, ISBN 978-92-79-79360-8, doi:10.2760/574864, JRC109128.
10. Nurlaily, F., Aini, E.K., Admoro P., (2018). Does family social support affect startup business activities? *Russian Journal of Agricultural and Socio-Economic Sciences* 74(2), pp. 41-54
11. The Global Entrepreneurship Monitor 2019/2020 Global Report  
<https://www.gemconsortium.org/report/gem-2019-2020-global-report>

# MODERN TRENDS IN THE FORMATION OF THE ORGANIZATIONAL CULTURE OF YOUTH ENTREPRENEURSHIP

**Dilmurod Rakhmatov**

*Student of the Department of Applied Mathematics, Jizzakh branch of the National University of Uzbekistan*

**Abstract.** The article discusses the organizational and economic aspects of the formation of youth entrepreneurship, the methodology for the formation of complex economic indicators that characterize the level of development of youth entrepreneurship. A brief analytical review of target programs regulating the formation and development of youth business is given.

**Keywords:** *innovative economy, organizational culture, youth, development index, entrepreneurship*

Entrepreneurship is one of the key elements of the modern economy and is a powerful tool in the fight against unemployment, providing ample opportunities for self-employment of the population and creating conditions for increasing jobs. As world practice shows, it is small and medium-sized businesses that play an important role in ensuring economic growth and employment of the population. Studies conducted by the World Bank have shown that if small and medium-sized businesses in a country produce less than 40% of GDP, then investments in such a national economy do not give the necessary economic effect.

One of the main tasks of Uzbekistan is to build an innovative economy. According to the data of the national report, “Global Entrepreneurship Monitor”, Uzbekistan belongs to countries with an efficiency-oriented economy, the main features of which are: efficient production to increase productivity; competitiveness (achieved through the development of the quality of education, market efficiency and the ability to benefit from existing technologies). In the process of economic development, the conditions that ensure the reliable functioning of the market and economic efficiency become important. The impulses of the economic efficiency of the economy are: vocational training, labor market efficiency, the size of the product market, the maturity of the financial market, technological readiness, innovation and entrepreneurship.

Entrepreneurship is an important driver of development for an efficiency-oriented economy. A significant impact on the economic contribution from

entrepreneurial activity is exerted by the presence in the country of people who are not only able to recognize new business opportunities, but also have sufficient knowledge to implement them. Obviously, this is the young generation of entrepreneurs. They have a high level of education actualization, as they have recently graduated from educational institutions in which educational professional programs of the new generation are being implemented. Young people are more ready for changes, they get used to new conditions easier and faster, which, of course, is very important for modern business. Young people perceive entrepreneurial activity as the basis of material well-being and professional growth, therefore, it is young people who are the main driving force of small and medium-sized businesses, including innovative ones, and play a major role in solving social and economic problems.

Youth entrepreneurship is one of the priority areas for the development of small and medium-sized businesses in Uzbekistan. According to the Concept of the Strategy for the Development of Youth Entrepreneurship in Uzbekistan for the period until 2020, entrepreneurship for youth is the basis for the implementation of business activity, the basis for the formation and expansion of the middle class, the creation and development of a system of economic stability of the state. Creation of favorable conditions for the development of youth entrepreneurship and the realization of the entrepreneurial potential of youth will give an appropriate social effect. Expanding opportunities and strengthening the influence of youth entrepreneurship necessitates the use of its potential.

Young people are the most active part of society, which quickly reacts to any changes in life and effectively perceives their useful sides, and therefore has much greater potential and ability for entrepreneurial activity than other age groups.

In the process of studying the foundations of the formation of organizational culture and assessing the level of development of youth entrepreneurship, certain difficulties are caused by the lack of systematized statistical data, quantitative indicators characterizing the level of development of youth entrepreneurship. In this regard, when forming a long-term policy for the development of youth entrepreneurship, one should:

1. To systematize the factors influencing the formation and development of youth entrepreneurship (business environment; quality of vocational training; organizational and psychological parameters; mechanism of support and interaction with power structures, infrastructural conditions for the formation of a business, etc.).

2. To develop an integral indicator of the quality of the organizational culture of youth entrepreneurship using complex criteria, such as an index of human development, an index of youth development, an index of entrepreneurial confidence.

Note that youth entrepreneurship at the present stage of development of economic relations is, if not a decisive, then an important component of business. There is an increasing need for the formation of a new generation of young entrepreneurs, who can play a more active role in the economy, business and society as a whole. Summing up, it is necessary to state the fact of the formation of youth entrepreneurship as a separate sphere of economic relations, a specific area of entrepreneurial activity.

### **List of references**

1. Gamidullaev, R.B. Analysis of the mechanisms of state support for small innovative entrepreneurship. Bulletin of PSPU, n.a. V.G. Belinsky. Vol 28, 2012, page 295-301.
2. Malikov, R.I., Komarov, A.G., Bogdanova, S.Yu. Modern trends of formation of organizational culture of youth business. Problems of modern economy. Vol 3, year 2014, issue 51, page 172-175.
3. Shapovalov, N.A., Romanovich, L.G., Glagolev, E.S., Babaevsky, A.N. Experience in implementing a practice-oriented model of teaching student's innovative entrepreneurship. Higher education in Russia. Vol 3, year 2014, page 65-71.
4. Wiklund, J., and Shepherd, D. 2005. Entrepreneurial orientation and small business performance: a configurational approach. Journal of Business Venturing, 20(1): 71-91.
5. Souitaris V, Zerbinati S and Al-Laham A. (2007) Do entrepreneurship programs raise entrepreneurial intention of science and engineering students? The effect of learning, inspiration and resources. Journal of Business Venturing 22: 566-591.
6. Рахматов, Д. Р. (2020). Зарубежный опыт цифровой трансформации бизнес-процессов в развивающейся экономике Узбекистана: проблемы, недостатки, противоречия. in Цифровизация и её влияние на жизнь современного общества (pp. 186-197).
7. Dilmurod, Rakhmatov, and Nomozova Elmira. "The use of multimedia technologies in the educational system and teaching methodology: problems and prospects." International Journal of Discourse on Innovation, Integration and Education 1.2 (2020): 28-32.

# ЮРТИМИЗДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СОҲАСИДА ЁШ ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ЎРНИ

**Барно Акбарова**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Статистика кафедраси*

**Аннотация.** Ушбу мақолада юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида ёш авлодни иш билан бандлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳанини ўрни тўғрисида ёритилган.

**Калит сўзлари:** *кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, ёш авлод, ислохотлар, пандемия, бандлик, аҳоли.*

**Abstract.** The article highlights the role of small business and private entrepreneurship in increasing the employment of the younger generation as a result of reforms in our country.

**Key words:** *small business, private entrepreneurship, young generation, reforms, pandemic, employment, population.*

Пандемия даврида давлатимиз томонидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, биринчи навбатда эҳтиёжманд қатлам вакилларига катта эътибор қаратиш, шунингдек ислохотлар мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, унинг ҳар бир киши ҳаёти, фарзандлари келажагига таъсирини тушунтириш мақсадида Юртимиз бўйлаб “Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш” шиори остида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида республикаимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши республика аҳолисининг салмоқли қисми бўлган ёшларнинг айниқса олий ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликдаги фаол иштирокига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шу сабабли, ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларига жалб қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу вазифани бажариш кичик бизнес ривожланишининг ижобий суръатларда шаклланиши бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида ўтказилаётган ишларнинг ислох қилинишига ҳам ёрдам беради.

Касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг, хусусан, қишлоқ жойлардаги ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш борасида мамлакатимиздаги иқтисодий-ижтимоий ўзгаришларда чуқур билимли, юксак савияли, янгича фикрлайдиган ёшларнинг иштирок этишини таъминлаш барчамизнинг биринчи навбатдаги вазифамиз ҳисобланади. Чунки:

- 1) бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг кўпчиллик қисмини ёшлар ташкил қилади;
- 2) бугунги ёшлар – эртанги кунимизнинг, келажагимизнинг бунёдкорларидир;
- 3) бозор иқтисодиётининг асосини ташкил этувчи тадбиркорлик фаолияти ўз моҳиятига кўра таваккалчилик, ҳаракатчанлик, ишбилармонлик каби сифатларни тақозо этадики, буларнинг аксарияти кўпинча ёшларда мужассамлашган бўлади;
- 4) инсон меҳнатининг сермахсуллиги даражаси, унинг яратувчанлик қобилияти ёшлик даврида нисбатан юқори бўлади.

Жамиятимизда кўп укладли иқтисодиётнинг шаклланиши ва хусусий тадбиркорлик секторининг вужудга келиши ёшларнинг эркин касб танлаш, истаган фаолият тури билан шуғулланиши учун кенг имконият яратиб беради. Айниқса, уларнинг иқтисодиётдаги соғлом рақобатнинг манбаи сифатидаги кичик корхоналарни ташкил этишдаги роли бу борада улкан салоҳият ҳисобланади.

Бироқ, шуни таъкидлаш жоизки, кўпчилик ёшларимизнинг иқтисодий фаоллик, тадбиркорликни амалга ошириш борасидаги ҳуқуқий ва иқтисодий билимлари етарли бўлмапти. Баъзида бу фаолиятга интилиш бўлгани билан, маълум маслаҳатлар, йўл-йўриқ ва молиявий қўллаб-қувватлаш борасида тақчилликлар сезилмоқда. Шунга кўра, фикримизча, мамлакатимиздаги ёшларнинг иқтисодий фаоллигини янада кучайтириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш жуда муҳим ҳисобланади:

1. Мактаблар, ўрта-махсус билим юртлари ҳамда олий ўқув юртларида иқтисодий ва ҳуқуқий таълим беришни янада кучайтириш.

2. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ёшларнинг ижодий марказлари, конструкторлик ва технологик бюрolari, илмий ғояларнинг амалий татбиқини йўлга қўювчи бўлинмаларни ташкил этиш.

3. Республикадаги ёшлар билан шуғулланувчи муассасалар, жамоат ташкилотлари, ҳуқуқ-тартибот органларининг ўз мақсад йўналишидан келиб чиққан ҳолда фаолиятларини жонлантириш.

4. Мамлакатимиздаги корхоналарнинг ўқув юртларидаги бўлғуси мутахассислар билан ўзаро алоқасини йўлга қўйиш.

5. Корхоналарда ёшларнинг ўз ижодий ва ички имкониятларини тўлиқ намоёниш эта олишлари, моддий, маданий ва маиший эҳтиёжларини қондира олишлари учун шарт-шароитлар яратиш.

6. Республика шаҳар ва туманларидаги меҳнат билан бандлик хизматлари фаолиятида ёшларга алоҳида эътибор ажратиш, ўзига хос ижтимоий гуруҳ сифатидаги хусусиятларини назарда тутган ҳолда турли йўналишдаги хизматларни ташкил этиш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тадбирларнинг амалга оширилиши ёшларнинг мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришдаги ҳиссаларини янада оширишда, уларнинг миллий мафкура ҳамда умумхалқ манфаатларининг фаол курашчисига айланишида муҳим омил вазифасини бажаради.

Баркамол авлодни тарбиялаш халқимиз учун истиқлол йилларида энг эзгу мақсад, умуммиллий вазифаларга айланди. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотларда ҳам жисмонан ва маънан соғлом, фикри тиниқ, интеллектуал салоҳияти юқори авлодни вояга етказиш ва тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланди.

Ёшларни инновацион фаолиятга асосланган кичик бизнес корхоналарига кўпроқ жалб этиш учун қуйидаги чора-тадбирларни қўллаш лозим:

- ёшлар томонидан илмий ғоя ва ихтироларнинг яратилишини рағбатлантириш,
- ёшлар томонидан яратилган илмий ғоя ва ихтироларнинг амалга оширилишини таъминловчи ихтисослаштирилган лойиҳалаштириш корхоналари фаолиятини кенгайтириш;
- таркибида касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари талабалари салмоғи юқори бўлган меҳнат жамоаларига инновацион бизнес-режаларнинг имтиёзли асосда тақдим этилишини таъминлаш;
- ёш мутахассисларнинг илмий ғоялар асосида ишлаб чиқаришни ташкил этишини рағбатлантирувчи ва мувофиқлаштирувчи муассасалар фаолиятини фаоллаштириш;
- республика миқёсида ёшлар томонидан илгари сурилган илмий ғоялар ва ишланмалар танловини ташкил этиш;

- Ёшларнинг илмий ғоя, ихтиро ва ишланмаларини имтиёзли асосда патентлаш ва ҳ.к.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти нафақат иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришда, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин тутмоқда. Бунда асосан ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг мазкур сектори учун барқарор қулайлик, имтиёз ва кредитлар тизимини шакллантириш масалаларига жиддий эътибор берилганлиги тўғрисида эришилмоқда. Айни ўринда айтиб ўтишимиз керакки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш жараёнларида мазкур соҳани қўллаб-қувватлашга қаратилган стратегик дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурдир. Бундай концепция асосида, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятидан самаралироқ фойдаланишга имкон берувчи тузилмавий ўзгаришлар ётмоғи лозим.

*Хулоса* қилиб айганда республикамызда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларнинг ички ва ташқи бозорда рақобатлаша оладиган, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни изчил йўлга қўя оладиган мустақил иқтисодий соҳага айлантиришни таъминлашга ҳаракат қилишимиз лозим. Кичик бизнесни ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши ёшларни инновацион қобилиятларини ривожлантириш, уларни бандлигини таъминлашда, ҳамда пандемия даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш борасида энг қулай ва мақбул восита эканлигини яна бир бор исботланди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Акбарова Б.Ш. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда ёш авлоднинг ўрни // “Таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш – соҳа тараққиётининг муҳим мезони” мавзусидаги Республика илмий амалий анжумани материаллари. Тошкент: Иқтисодиёт-2015 йил, 145-147-б.
2. Акбарова Б.Ш. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари // “Иқтисодиёт ва таълим” илмий журнали. № 6, 2019 йил

3. Акбарова Б.Ш. “The role of small business and private entrepreneurship in the process of modernization and diversification of the economy”// November 2019, IJSER Review Board Panel. [www.ijser.org](http://www.ijser.org)
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

# CREATION OF A COMPETITIVE ENVIRONMENT FOR INDUSTRIES OF THE ECONOMY TO SUPPORT YOUTH ENTREPRENEURSHIP

**Diyorakhon Yangiboeva**

*Senior Researcher, Institute for Forecasting and Macroeconomic Research*

**Abstract.** This article examines additional steps to further improve the competitive environment and to reduce government participation in the economy. Ensuring a competitive environment in the economy and protecting consumer rights are the basis for preventing, limiting, suppressing monopolistic activities and unfair competition, aimed at creating conditions for the formation and effective functioning of competitive relations in commodity markets. Today we need to learn about the joint use of antitrust institutions in the US and Europe, as well as in neighboring countries. Antitrust compliance enforcement has been around for a long time, so monitoring its implementation is multifaceted. However, this is very important when we look at how the COVID-19 pandemic has affected the economy. So far there have been relatively short-term negative consequences for the Uzbek economy. While the pandemic has hit the economy, harmed and created serious problems in middle of 2020, quick and simple measures to mitigate and sustain a weakened recession effectively address public health and a range of financial problems, as well as monetary measures. If we look at the textile industry, then this is an important sector of the economy with a special marketing climate in its market. In the textile, spinning, garment, knitwear, footwear and silk industries, there are about 10,000 large and small companies and more than 400 joint ventures. Although, the pharmaceutical industry is currently undergoing regulatory changes. In recent years, the country has achieved promising results in the creation and development of the primary health care sector for the population. Additionally, it is necessary to reflect the existing jurisdiction of the antimonopoly authority of Uzbekistan in relation to transactions on the merger of foreign capital, revise the concept of a “group of persons”, as well as introduce the procedure for establishing the boundaries of commodity markets, antimonopoly legislation.

**Key words:** *competitive environment, monopolies, COVID-19, economy, industry.*

# YOSHLAR O‘RTASIDA TADBIRKORLIK FAOLIYATINI OMMALASHTIRISH, TADBIRKORLIK MUHITINI SHAKLLANTIRISH

**Nodirjon Xoliqov**

*“Ipak yo‘li” turizm xalqaro universiteti stajyor tadqiqotchisi*

**Qandolat Xudaykulova**

*Samarqand Veterenariya meditsinasi instituti magistri*

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada tadbirkorlik, yoshlar tadbirkorligi atamalariga qisqacha izoh berilgan hamda oldingi ta’riflardan kelib chiqqan holda muallif fikri ham bayon etilgan. Yuqoridagilarga qo‘shimcha ravishda, maqolada mamlakatimizda ushbu sektorning YaIMdagi ulushi hamda sohani rivojlantirish borasida amalga oshirilayotgan ishlar, xususan yoshlar tadbirkorligini kengaytirishga doir chora tadbirlar, amaliy yordamlar haqida so‘z yuritilgan.

**Kalit so‘zlar:** *Tadbirkorlik, YaIM, Yoshlar tadbirkorligi.*

**Abstract.** This article gives a brief explanation of the terms entrepreneurship, youth entrepreneurship, and the author's opinion based on previous definitions. In addition to the above, the article discusses the share of this sector in GDP in our country and the work being done to develop the industry, in particular, measures to expand youth entrepreneurship, practical assistance.

**Keywords:** *Entrepreneurship, GDP, Youth Entrepreneurship.*

**Kirish.** Yoshlar tadbirkorligi haqida so‘z yuritishdan oldin tadbirkor atamasiga qisqacha izoh berishni lozim deb topdik. Tadbirkor bu tadbirkorlik faoliyati bilan shug‘ullanuvchi shaxs hisoblanadi. Tadbirkorlik esa O‘zbekiston Milliy Ensiklopediyasida shunday ta’riflangan: “Tadbirkorlik – kapital sarflab tovar va xizmatlar yaratish bilan foyda topishga qaratilgan iqtisodiy faoliyat, biznesning asosiy turi (Ensiklopediya, 2013).

Tadbirkorlik faoliyati subyektlari tomonidan qonun hujjatlariga muvofiq amalga oshiriladigan, o‘zi tavakkal qilib va o‘z mulkiy javobgarligi ostida daromad (foйда) olishga qaratilgan tashabbuskorlik faoliyatidir (U. G‘afurov, 2018).

A. Smit tadbirkorni foyda olish uchun biror-bir tijorat g'oyasini amalga oshirish maqsadida tavakkalchilik bilan ish ko'ruvchi mulkdor deb tavsiflaydi (The Relationship between Entrepreneurship and Employment, 2011).

Yuqoridagi ta'riflardan kelib chiqib, xulosa qiladigan bo'lsak, tadbirkorlik-kishining foyda olish maqsadida, ma'lum bir tavakkalchilik asosida, mulkiy javobgarligi bilan bozordagi haridorlar talabini qondirish jarayoniga aytiladi.

Yoshlar tadbirkorligi – yuridik shaxs tashkil etmagan holda yosh fuqarolar tomonidan, shuningdek ta'sischi yosh fuqarolar bo'lgan yuridik shaxslar tomonidan amalga oshiriladigan tadbirkorlik faoliyati (Qonun, 2016).

Bildirilgan fikrlardan xulosa qilib, qisqacha aytadigan bo'lsak, yoshlar tadbirkorligi asosan jamiyatdagi yosh qatlamni tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirishi hamda foyda olishi tushuniladi.

Yoshlar orasida tadbirkorlikni ommalashtirish va ushbu muhitni shakllantirish bo'yicha so'ngi yillarda mamlakatimizda salmoqli ishlar amalga oshirildi. Xususan, Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev 2021- yilni "Yoshlarni qo'llab-quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash yili" deb e'lon qilishi bu borada yoshlarga qaratilayotgan e'tibor va yurtimiz aholisini davom etayotgan pandemiya davrida o'z sog'lig'iga e'tiborliroq bo'lishga chaqirish sifatida kuzatish mumkin. Yuqoridagilardan tashqari mamlakatimizda erkin iqtisodiy sanoat zonalari (EISZ)ni tashkil etish orqali yurtimizdagi barcha viloyat markazlari hamda tumanlarda "Yoshlar kichik sanoat zonalari" tashkil etiladi. Yaratilayotgan ushbu shart-sharoitlar yoshlar loyihalarini hayotga tatbiq etishga ko'maklashish uchun yo'naltiriladi hamda unga kerak bo'ladigan barcha infratuzilmaviy ob'ektlar joylashtiriladi. Shu bilan bir qatorda, ushbu loyihalarni zarur mablag' bilan ta'minlash uchun Investitsiyalar va tashqi savdo vazirligi qoshida jamg'arma tashkil etiladi. Ushbu jamg'armaga 100 million dollar miqdoridagi mablag' ajratish ko'zda tutilgan. Tashkil etilgan jamg'arma mablag'lari hisobidan yoshlarning loyihalarini moliyalashtirish uchun qulay shartlarda va imtiyozli foizlarda kredit ajratiladi. Amalga oshiriladigan ishlar natijasida 2021- yilda kamida 500 ming nafar yoshga ish joyi yaratiladi. Yuqoridagilardan tashqari, respublikamizning deyarli barcha hududlarida "ustoz-shogird" an'anasi rivojlantirilib, bu sohaga jalb etiladigan usta-hunarmandlarni Bandlikka ko'maklashish jamg'armasi mablag'lari hisobidan moddiy rag'batlantirish tizimi joriy etiladi.

### **Asosiy qism**

Har bir davlat o'z aholisini moddiy jihatdan to'kin yashashini hohlaydi va aholiga o'z daromad manbalarini yaratishga ya'ni ish bilan band bo'lmaganlarga, ish

topishda; o'z biznesini ochmoqchi bo'lganlarga dastlabki yordam sifatida imtiyozli kredit va subsidiyalar hamda soliq imtiyozlari berish orqali ko'maklashishga harakat qiladi.

Yurtimizda ham keyingi yillarda yoshlar tadbirkorligini rivojlantirish, ularga ko'mak berish borasida keng amaliy ishlar yuritilib kelinmoqda. Ayniqsa, xalqimiz hozirgi iqtisodiy inqirozni boshdan kechirayotgan bir davrda, davlatimizning ko'magi barchamiz uchun o'z iqtisodiy sharoitlarimizni qayta tiklashga muhim omil bo'ldi.

Statistik ma'lumotlarga qaraganda 2021- yil yanvar oyi holati bo'yicha mamlakatimiz aholisining 18 foizini 19-30 yoshdagi kishilar tashkil qilgan ekan hamda dastlabki ma'lumotlariga qaraganda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning respublika YaIMdagi ulushi 53.9% aholi bandligi, eksport va importdagi ulushi esa mos ravishda 73.8%, 20.5% va 51.8%ga teng bo'lgan (Qo'mita, 2020).

Keltirilgan ma'lumotlardan ko'rinib turibdiki, respublikamiz aholisining har to'rttadan uchasi ushbu sektor orqali ish bilan ta'minlangan hamda eksport qiladigan tovar va xizmatlarimizning har beshtadan biri shu soha hissasiga to'g'ri kelmoqda.

Yoshlar o'rtasida tadbirkorlik muhitini yanada oshirish maqsadida viloyatlarda IT parklar ochilmoqda va u yerga yoshlarni faol jalb etish bo'yicha keng miqyosda targ'ibot-tashviqot ishlari amalga oshirilmoqda. Yuqoridagilardan tashqari mahallalarda ishsiz yoshlarni bandligini ta'minlash maqsadida ularni kasbga o'qitish o'z bizneslarini boshlash uchun dastlabki mablag'larni davlat tomonidan subsidiya shaklida taqdim etilishi hamda bizneslarini davlat ro'yxatidan o'tkazishda olinadigan to'lovlarni qoplab berilishi kabi yengilliklar yoshlar uchun tadbirkorlik muhitini kengayishiga zamin bo'lmoqda. Respublikamiz bo'yicha har bir mahallada "Yoshlar daftari" tashkil qilinib, ushbu ro'yxatdagi yoshlarning barcha muammolari sektor rahbarlari tomonidan shaxsan o'rganilib, ularga yechishga doir amaliy yordamlar ko'rsatilmoqda.

So'ngi yillarda davlatimiz rahbari tashabbusi bilan yurtimizda ishsizlik darajasini kamaytirishga qaratilgan qator chora-tadbirlar o'z ijobiy natijasini bermoqda. Ayniqsa, ish bilan ta'minlanmagan yoshlarni ish bilan ta'minlashga qaratilgan ishlar borasida alohida to'xtalib o'tish maqsadga muvofiqdir. Xususan, ushbu yo'nalishda yurtboshimiz topshirig'iga asosan Prezident Xalq qabulxonalari hamda joylarda sektor rahbarlari va mutasaddi tashkilotlar vakillari bilan birgalikda "Har bir yoshga bir gektar" loyihasi amalga oshirilmoqda. Ushbu loyiha doirasida 2020-yilning 1-choragida, respublika bo'yicha jami yigirma besh ming gektardan ziyod yer maydonlari yoshlarga ajratib berildi. Jumladan, ajratilgan yer maydonlarining 5 foizdan ortiqrog'iga sabzavot, 7 foizdan ortiqrog'iga poliz, 41

foizdan ortiqrog‘iga dukkakli ekinlar va 31 foiziga boshoqli don ekinlari va 391 ga. kartoshka ekish uchun, 3 866 gektar maydonga esa bog‘ yaratish uchun ajratib berildi.

Respublikamizda tijorat banklari tomonidan yoshlarimizni qo‘llab-quvvatlash uchun, olti mingga yaqin loyihalarga 247,6 mlrd. so‘mlik imtiyozli kreditlar ajratildi. O‘rtacha hisoblaganda har bir loyihaga 43,3 mln. so‘mdan to‘g‘ri kelmoqda.

Yuqoridagi kabi amaliy ishlar zahirida hukumatimiz tomonidan mamlakatimiz yoshlari bandligini ta‘minlash hamda vatandoshlarimiz turmush tarzini va farovonligini oshirish kabi maqsadlar yotibdi. Hozirgi sinovli kunlarda ham bu borada boshlangan amaliy ishlar tizimli ravishda davom etib kelmoqda.

**Xulosa.** Xulosa o‘rnida shuni aytmoqchimizki, uchinchi Renessans davri boshlanish bo‘lag‘asida turgan ekanmiz, har birimiz buni chin qalbdan his qilishimiz, yurtimiz kelajagi biz yoshlar qo‘lida ekanligini tubdan anglab yetishimiz va mamlakatimizning istiqboli uchun qo‘limizdan kelgan barcha ezgu ishlarni qilishimiz biz yoshlarning muqaddas burchimizdir. Hozirda Respublikamizda yoshlar uchun juda ko‘p qulayliklar yaratilmoqda bunga misol qilib quyidagilarni aytishimiz mumkin:

- iqtidorli yoshlarimizni chetda o‘qish xarajatlarini fond va jamg‘armalar orqali to‘lab berilishi;
- yoshlar uchun Prezident granti joriy etilishi;
- kontrakt asosida ta‘lim olayotgan talabalarga imtiyozli kreditlar taqdim etilishi;
- yoshlarning loyihalarini moliyalashtirish uchun qo‘shimcha mablag‘lar ajratilishi;
- Respublikadagi xorijiy oliy o‘quv yurtlarining talabalari uchun ham Prezident va davlat stipendiyalari joriy etilishi;
- IELTS, TOEFL, GMAT va SAT kabi imtihonlarda maksimal ballning kamida 75 foizini to‘plagan yoshlarning imtihon xarajatlari to‘liq qoplab berilishi;
- ishsiz yoshlarning tadbirkorlarga birlashtirilish, kabi ishlarni aytishimiz mumkin.

Amalga oshirilayotgan ishlarning barchasi vatanimiz kelajagi bo‘lgan biz yoshlar uchundir. Biz ham o‘z navbatda bularning qadriga yetgan holda beminnat xizmatimiz bilan yurtimiz kelajagiga o‘z hissamizni qo‘shishimiz shart.

Tariximizdan ma‘lumki, Movaraunnahrda ajdodlarimiz qilgan kashfiyotlar, ilmiy ishlar butun dunyo tomonidan tan olinib, Sharq Renessansi sifatida e‘tirof etiladi. Biz ham hozirgi davrda o‘z oldimizga yuksak maqsadlar qo‘ygan holda mamlakatimizni dunyo hamjamiyatida yuqori cho‘qqilarga olib chiqishimiz hamda yangi davr, buyuk kelajak qurishda faol ishtirok etishimiz, shu vatanga munosib farzand sifatidagi oliy burchimizdir.

## Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. O'zbekiston Milliy Ensiklopediyasi, (2013). zyouz.com. B: O'zbekiston Milliy Ensiklopediyasi. Toshkent: Davlat ilmiy nashriyoti, pp. 35-36.
2. Mirziyoyev, S., (2020). Parlamentga murojaat. [onlayn]. Mavjud: <https://president.uz/uz/lists/view/4057/> [Murojaat sanasi: 25 mart 2021].
3. N.Abduraxmonova, N. S., (2021). review.uz. [onlayn]. Mavjud: <https://review.uz/uz/post/ozbekistonda-yoshlar-tadbirkorligini-qollab-quvvatlash-va-rivojlantirishda-amalga-oshirilayotgan-islohotlar-samarasi> [Murojaat sanasi: 25 mart 2021].
4. Qo'mita, 2020. [onlayn] O'zbekiston respublikasi Davlat statistika qo'mitasi. Mavjud: <https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography-2> [Murojaat sanasi: 25 mart 2021].
5. Qonun, 2016. lex.uz. [onlayn] "Yoshlarga oid Davlat siyosati to'g'risida" O'zbekiston Respublikasi Qonuni. Mavjud: <https://www.lex.uz/docs/3026246> [Murojaat sanasi: 25 mart 2021].
6. The Relationship between Entrepreneurship and Employment (2011) Maryna Burushkina.
7. U. G'afurov, Q., 2018. Tadbirkorlik asoslari. 1-nashri. Toshkent: O'zbekiston.

# ГОСУДАРСТВЕННАЯ ПОДДЕРЖКА МОЛОДЕЖНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА

## STATE SUPPORT OF THE YOUTH ENTREPRENEURSHIP

Назира Абдуллаева

*Старший научный сотрудник Института прогнозирования и  
макроэкономических исследований*

**Ключевые слова:** *молодежное предпринимательство, государственные программы и меры поддержки молодежного предпринимательства, ключевые аспекты успешных программ.*

**Key words:** *youth entrepreneurship, state programs and measures to support youth entrepreneurship, key aspects of successful programs*

29 декабря 2020 году Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев выступая с ежегодным посланием парламенту объявил 2021 год «Годом поддержки молодежи и укрепления здоровья населения», подчеркнув, что в вопросах расширения и дальнейшего повышения эффективности реформ, осуществляемых в Узбекистане опорой стала энергичная, инициативная, владеющая современными знаниями и навыками молодежь нашей страны.<sup>1</sup> Согласно совместному докладу Международной организации труда и Шведского агентства международного развития «Молодежь которая не продолжает образование, профессиональную подготовку и не работает (NEET)» в 2020 доля молодых людей в мире году в возрасте 15–24 лет которые не продолжают образование, не получают профессиональную подготовку и не работают составила 22,4%, из которых доля молодых женщин составляет 67,5%.<sup>2</sup>

В Узбекистане молодёжь до 30 лет составляет более 18 миллионов человек, тем самым более 55% населения, безработица среди них 17%, что в 1,5 раза больше чем общий уровень безработицы<sup>3</sup>. Основная причина безработицы это в первую очередь недостатки профессионального обучения, сложности с трудоустройством и проблемы при выделении кредитов для молодежного предпринимательства. Правительством нашей страны в области развития предпринимательства, и в особенности в части вовлечения молодежи в

---

<sup>1</sup> Послание Президента Шавката Мирзиёева Олий Мажлису, <https://president.uz/ru/4049>, 29.12.2020

<sup>2</sup> [https://sustainabledevelopment.un.org/content/documents/26634NEET\\_Sida\\_brief.pdf](https://sustainabledevelopment.un.org/content/documents/26634NEET_Sida_brief.pdf)

<sup>3</sup> Народное слово №19 (7768) от 28.01.2021

предпринимательскую деятельность было принято несколько программ: государственная программа на 2021 год, программа Торгово-промышленной палаты, организованной совместно с Министерством занятости и трудовых отношений «Молодежь:1+1», Государственная программа «Ешлар келажагимиз» и программа по развитию семейного предпринимательства. Кроме этого организованы кластеры молодежного предпринимательства и моноцентры «Ишга мархамат».

Несмотря на проделанную работу в данном направлении необходимо продолжать создавать условия для получения молодыми людьми доступных финансовых средств на открытие собственного дела, предоставлять помощь индивидуальных наставников, консультировать и обучать различным вопросам ведения бизнеса, нюансам налогообложения и государственной поддержки, что позволит молодым предпринимателям быстрее запустить свое дело и избежать типичных ошибок, совершаемых в начале своей деятельности.

В статье рассмотрена необходимость развития молодежного предпринимательства, возможности финансирования, конкретные программы, направленные на поддержку молодежного предпринимательства, успешные зарубежные аналоги программ, ключевые аспекты успешных программ молодежного предпринимательства, а также даны рекомендации по дальнейшему развитию молодежного предпринимательства в Узбекистане и расширению адресных программ по результатам изученного передового зарубежного опыта в данном направлении.

# KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIKNI DAVLAT TOMONIDAN QO'LLAB-QUVVATLASH

**Bunyod Karimov**

*Prognozlashtirish va makroiqtisodiy tadqiqotlar institute, Institutsional o'zgarishlar va tadbirkorlikni rivojlantirish loyihasi katta ilmiy hodimi*

**Annotatsiya.** Yurtimizda qabul qilinayotgan ko'plab qonun hujjatlari, biznesni yuritishdagi ortiqcha byurokratik jarayonlarni keskin qisqartirish, xususiy mulkning daxlsizligini ta'minlashning bozor hamda huquqiy mexanizmlarini izchil mustahkamlab borish, Respublikada investitsion va ishbilarmonlik muhitini yaxshilashga qaratilgan resurslarni jamlash imkonini bermoqda.

**Kalit so'zlari:** *yoshlar tadbirkorlihi, yoshlar mehnat guzarlari, yoshlar daftari, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik, kovorking-markazlari.*

**Abstract.** Many laws adopted in our country allow to sharply reduce excessive bureaucratic processes in doing business, to gradually strengthen market and legal mechanisms to ensure the inviolability of private property, to accumulate resources to improve the investment and business environment in the country.

**Keywords:** *youth entrepreneur, youth labor market, youth ledger, small business and private entrepreneurship, coworking-centers.*

Har qanday davlatning tarixiy taraqqiyot yo'lidan ma'lumki, yurtning jadal rivojlanishi, muayyan yutuqlarga erishishi, xalqning farovon bo'lishi o'sha davlatda yoshlar ta'lim-tarbiyasi va kelajagiga beriladigan e'tibor darajasiga chambarchas bog'liq. Shu ma'noda, O'zbekistonda yoshlar masalasi davlat siyosatining eng ustuvor yo'nalishlaridan biri hisoblanadi.

O'zbekiston tom ma'noda yoshlar mamlakati hisoblanadi. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Mirziyoev Shavkat Miromonovich BMT Bosh Assambleyasining 72-sessiyasida "Bizning asosiy vazifamiz – yoshlarning o'z salohiyatini namoyon qilishi uchun zarur sharoitlar yaratish, zo'ravonlik g'oyasi tarqalishining oldini olishdir. Hozirgi kunga kelib dunyo aholisining 18% ni yoshlar tashkil etadi.[1] Bu nisbiy ko'rsatkich albatta. Ma'lumki, bugungi kunda jahon mamlakatlarida "yoshlar" tushunchasi turlicha tasnif qilinadi. Masalan, Yevropa

Ittifoqi davlatlarida aholining 16 yoshdan 30 yoshgacha (ba'zan 35 yoshgacha) bo'lgan vakillariga yoshlar sifatida qaraladi. YUNESKO (UNESCO) [2] esa 17 yoshdan 25 yoshgacha bo'lgan yigit-qizlarni yoshlar sirasiga kiritadi. Aksariyat MDH davlatlarida esa (jumladan, O'zbekiston Respublikasida ham) 14 yoshdan 30 yoshgacha bo'lganlar yoshlar hisoblanadi.[3] Bugungi kunga kelib, yoshlarga oid siyosat yuritish, bu borada muayyan siyosiy institutlar, jamoat tashkilotlarining faoliyat olib borishi ko'plab rivojlangan va rivojlanayotgan davlatlar qonunchiligida salmoqli o'rin tutadi.[4]

Ma'lumki, 2016 yilning 14 sentyabrida O'zbekiston Respublikasining 33-moddadan iborat "Yoshlarga oid davlat siyosati to'g'risida"gi O'RQ-406-son Qonuni qabul qilingani buni yaqol dalilidir.[5]

Mamlakatimizda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik, ayniqsa, yoshlar tadbirkorligini rivojlantirish ustuvor vazifalardan biri bo'lib, soha rivojida yoshlarning muhim va salmoqli hissasi bor. Bugungi kunda yoshlarda tadbirkorlik ko'nikmalarini shakllantirish, ularning biznes g'oyalarini qo'llab-quvvatlash hamda imtiyozli kreditlar bilan ta'minlashga ko'maklashish, ularni tadbirkorlik faoliyatiga keng jalb etish orqali qulay ishbilarmonlik muhiti yaratilmoqda. Bu esa yoshlar bandligini ta'minlanishi, moddiy farovonlik va iqtisodiy mustaqillikka erishilishiga olib kelishiga sabab bo'lmoqda.

Yurtimizda tadbirkorlik faoliyati bilan shug'ullanish istagi bo'lgan yoshlarimiz uchun, siyosiy, iqtisodiy va huquqiy jihatdan yetarli hamda jahon andozalariga mos keluvchi barcha imkoniyatlar yaratilmoqda. Shunigdek, Yoshlarimizning zamonaviy bilimlarga, manfaatlari va huquqlarini himoya qilish mamlakatning munosib kelajagi uchun javobgarlikni o'z zimmasiga ola biladigan barkamol, intiluvchan va serg'ayrat yoshlarni tarbiyalash mamlakatni barqaror rivojlantirishning eng muhim maqsadlarida biridir.

Yoshlarni tezroq ish bilan band qilish maqsadida qat'iy belgilangan soliq mexanizmidan ham rag'batlantiruvchi omil sifatida foydalanilmoqda. Xususan, Soliq kodeksining 375-moddasiga ko'ra kasb-hunar kollejlari bitiruvchilari kollejni tamomlagandan keyin o'n ikki oy ichida yakka tartibdagi tadbirkor sifatida davlat ro'yxatidan o'tgan taqdirda, yakkatartibdagi tadbirkor sifatida davlat ro'yxatidan o'tgansanadan e'tiboran qat'iy belgilangan soliqni to'lashdan olti oy muddatga ozod etish kabi imtiyozlar ham mavjud.[6]

O'zbekiston Respublikasi bandlik va mehnat munosabatlari vazirligi ma'lumotlariga ko'ra, 2020-yilda Respublikamizda aholi soni 33 905,1 ming kishini tashkil etgan bo'lib, shundan iqtisodiy faol aholi soni 14797,9 ming kishiga, mos ravishda ishsiz aholi soni esa 1 368,6 ming kishini tashkil etgan. Aholining 5 573,4 mingtasi iqtisodiyotning rasmiy sektorida band bo'lgan bo'lsa (tashqi mehnat

migratlarsiz), 9 938,2 ming kishi esa, kichik biznesda faoliyat yuritmoqda, vaholangki, 2000-yilda ushbu ko'rsatkich 49,7% foizni tashkil etgan. Shuningdek, kichik biznesning mamlakat yalpi ichki mahsulotidagi ulushi 53,9 foizni, eksportdagi ulushi 20,5 foizni, importdagi ulushi esa, 51,8 foizni, Sanoat ulushi 27,5 foizni, Qurilish esa 72,4 foizni tashkil etdi.

Bugungi kunga qadar yosh tadbirkorlarning 7 ming 690 ta biznes loyihasiga jami 1 trillion 614 milliard so'm miqdorida imtiyozli kredit mablag'lari ajratish orqali 39 ming 577 ta yangi ish o'rni yaratildi. [7]

2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasida kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub'ektlarini kreditlashni kengaytirish makroiqtisodiy barqarorlikni mustahkamlash va yuqori iqtisodiy o'sish sur'atlarini saqlab qolishning zaruriy shartlaridan biri ekanligi qayd etilgan. [8]

Shu bilan birga, mamkatimizda birinchi bor Davlatimiz rahbiri Mirziyoev Shavkat Miromonovichning bevosita tashabbuslari bilan "O'zbekiston Yoshlar forumi-I" bo'lib o'tdi. Davlat rahbari o'z nutqida uchinchi Renessans, yosh volontyorlar faoliyati, yoshlar bilan ishlash bo'yicha Toshkent tajribasi, «Yoshlar: 1+1» dasturi, Yoshlar kichik sanoat zonalari, «Yoshlar murojaati» elektron platformasi, tadbirkorlikka o'qigan yoshlarga 4 foizlik kreditlar, yosh oilalarni uy-joy bilan ta'minlash va boshqa mavzularga to'xtaldilar. [9]

Shuningdek, Prezidentimiz tomondan kasb-hunar hamda tadbirkorlik ko'nikmalariga o'qitish orqali maxsus sertifikat olgan yoshlarga Markaziy bankning asosiy stavkasidan 4 foiz past stavkada mikrokreditlar ajratish yuzasidan zarur choralar ko'rilishi. Bu kreditlar 7 yil muddatga 3 yil imtiyozli davr bilan berilishi. Ushbu maqsadlar uchun 2021 yilda 45 million dollar ajratilishi, shuningdek, yoshlarning tadbirkorlik loyihalari uchun Oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirish dasturi doirasida har bir viloyatga 100 milliard so'mdan kredit mablag'lari yo'naltirilishi qayd etildi. [10]

Shunindek, Ishsiz yoshlar va xotin-qizlar bandligini ta'minlash masalasiga alohida ahamiyat qaratildi. Bosh vazir o'rinbosariga ularni talab yuqori bo'lgan kasblar va tadbirkorlikka o'qitish, shu asosda biznesini yo'lga qo'yishda moliyaviy qo'llab-quvvatlash tartibini joriy etish vazifasi yuklatildi. Bu ishlarni tizimli amalga oshirish maqsadida, mamlakatimizda joriy etilgan "temir daftar"lar singari, ishsiz yoshlar bo'yicha alohida ("Yoshlar daftari"), ro'yxatlar shakllantirib, har biri bilan yangi tizim, yangicha tartibda manzilli ishlash bo'yicha topshiriqlar belgilandi. [11]

Hozirgi kunda ko'plab yosh tadbirkor va fermerlar, mohir hunarmandlar faoliyat qiziqish bildirishmoqda. Ularning safi yanada kengayishi uchun davlat tomonidan zarur shart-sharoitlar yaratib berilmoqda.

Navqiron avlod tadbirkorligini qo'llab-quvvatlashda respublikamizda tashkil etilayotgan "Yosh tadbirkorlar" kovorking-markazlari va "Yoshlar mehnat guzarlari muhim ahamiyat kasb etmoqda. Ularda tadbirkorlik ko'nikmalarini egallagan yoshlar mustaqil faoliyatini boshlashmoqda. Qishloq joylarida esa "Har bir yoshga bir gektar" loyihasining amalga oshirilishi natijasida 65 mingga yaqin yosh dehqonlarga 54 ming gektardan ziyod yer ajratib berildi. [12]

Bugun o'z tengdoshlariga ibrat bo'layotgan, jamiyatdagi yangilanishlar jarayonida faol ishtirok etayotgan yoshlarimiz juda ko'p. Lekin, hayotda o'z o'rnini topishga qiynalayotgan, adashgan, ko'makka muhtojlari ham yo'q emas. yoshlarimizda ijobiy motivatsiya, biznes va tadbirkorlik sohasida zarur bilim va malaka yetishmasligini va ularda tadbirkorlik ko'nikmalarini shakllantirishga qaratilgan ishlarni yanada kuchaytirish lozim.

Hozirgi kunda aksariyat tadbirkor yoshlar biznesni rivojlantirishning dastlabki bosqichlarida yaxshi natijalarga erishishlariga barcha imkoniyatlar yaratilgan, ammo keyingi bosqichlarda bir muncha qiyinchiliklarga kuch kelishmoqda.

Shu munosabat bilan, hukumat tadbirkorlar faoliyati yanada kengaytirishi va faoliyati to'xtab qolmasligi uchun, imtiyozli kredilar va marketing xizmatlar yana ta'rg'ib e'tish kerak.

Xulosa sifatida aholining turmush farovonligini oshirish, mahalliy va ichki bozorni iste'mol tovarlari bilan ta'minlash, xalqimizga turli-tuman xizmatlar ko'rsatishni tashkil etishda yoshlar o'rtasida kichik biznes faoliyatini tobora takomillashtirish davr talabi ekanligini ko'rsatmoqda. Tadbirkorlik qancha rivojlansa, moddiy ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatish ham shunchalik rivojlanadi. Shuning uchun ham, yoshlar orasida tadbirkorlik sub'ektlarini faqat son jihatidan o'sishiga emas, balki, sifat jihatidan ortishiga e'tibor qaratish ulkan imkoniyatlardan samarali foydalanish ehtiyojlarini belgilab beradi.

## **List of references**

1. Un.org. (2018). World Urbanization Prospects - Population Division - United Nations. [online] Available at: <https://population.un.org/wup/> Доклад Генерального секретаря Организация Объединенных Наций. 9 November 2006. World Population Prospects: The 2004 Revision (Sales No.E.05.XIII.5) и

- United Nations, World Urbanization United Nations publication, Sales No. E.04.XIII.6).
2. uza.uz (2017). Президент Узбекистана Шавкат Мирзиёев выступил на 72-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН. <https://uza.uz/ru/posts/prezident-uzbekistana-shavkat-mirziyeev-vystupil-na-72-y-ses-20-09-2017>
  3. lex.uz. (n.d.). 429-XII-сон 20.11.1991. Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида. <https://lex.uz/docs/140894>
  4. lex.uz. (n.d.). ЎРҚ-406-сон 14.09.2016. Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида. <https://lex.uz/docs/3026246#3026552>
  5. stat.uz. (n.d.). O`zbekiston Respublikasi Davlat Statistika Qo`mitasi. <https://stat.uz/uz>
  6. soliq.uz. (n.d.). Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси. <https://soliq.uz/>
  7. yoshlarittifoqi.uz. (n.d.). “Yoshlar – kelajagimiz” jamg‘armasi ikki yoshda. <https://yoshlarittifoqi.uz/uz/news/6629>
  8. stat.uz. (n.d.). Kichik biznes va tadbirkorlik. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/small-business-and-entrepreneurship-2>
  9. Gazeta.uz. (2020). Shavkat Mirziyoyev yoshlar bilan uchrashdi. president.uz. (n.d.). Ёшлар – Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4040>
  10. president.uz. (n.d.). Ёшлар – Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4040>
  11. review.uz. (n.d.). Ўзбекистонда ёшлар тadbirkorligini қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришда амалга оширилаётган ислохотлар самараси. <https://review.uz/oz/post/ozbekistonda-yoshlar-tadbirkorligini-qollab-quvvatlash-va-rivojlantirishda-amalga-oshirilayotgan-islohotlar-samarasi>
  12. review.uz. (n.d.). Ўзбекистонда ёшлар тadbirkorligini қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришда амалга оширилаётган ислохотлар самараси. <https://review.uz/oz/post/ozbekistonda-yoshlar-tadbirkorligini-qollab-quvvatlash-va-rivojlantirishda-amalga-oshirilayotgan-islohotlar-samarasi>

# INNOVATION AND ENTREPRENEURSHIP: FROM THEORY TO PRACTICE

**Maftuna Abdugafforova**

*Student of Amity University Tashkent*

**Jamshid Kodirov**

*Student of Amity University Tashkent*

**Rajan Prasad Tripathi**

*Lecturer, Amity University Tashkent*

**Abstract.** This article explores the development of the world in current days, which reflects on entrepreneurship. Its aim is to critically analyze already presented findings and ideas for better understanding of rapidly changing field of innovation as well as to emphasize significance of implementation of innovations in an entrepreneurial activity. Contemplation of given theories gives a clear vision of the changes, which have already happened in the business sector, whereas study of current tendency provides with knowledge about trajectory of current day's progress.

Entrepreneurs' main target is to maximize profit by minimization of resources, which are used for one point of product. This becomes possible by applying the Artificial Intelligence (AI) in production process. The implementation of the AI as the way of enhancing and improving efficiency of production will become a key subject. Nowadays, the repercussions of the use of the AI are not considered by entrepreneurs, whereas it is said to have negative consequences on the blue-collar workers. These consequences were raised in the research.

To be more precise, classical business models that have been developing and working well for decided about to be changed fundamentally because of high technological offers being provided to circumnavigate from number of issues. Even though massive achievements of human beings in machine learning have already started to be applied in certain entrepreneurial areas so as to assist workers in near future, it may replace them totally at least in sectors, where monotone and repeating type of actions are required. If these changes are inevitable, the main point of this research is to predict and to make hypothesis coming from valid source about the future of this group of so called "useless people", who theoretically can be replaced by the AI and would not be able to acquire future demanded skills and could not adopt under new circumstances of living.

**Key words:** *innovation, artificial intelligence, entrepreneurship, opportunity*

**Introduction.** The growth of population leads to increase of demand. Entrepreneurs start to be concerned how to make a production process more efficient. To bring economic development, a new technology should become a new tool of entrepreneurs. Development of technology markets and division of labor in the framework of the innovation process are currently very relevant. Today, the terms “innovative”, “technological”, “knowledge-intensive entrepreneurship”, “start-up” and “venture business” are actively used in publications, websites of business communities and speeches at numerous innovation forums and conferences. Analyzing the technology, which can change the world drastically the main idea, which arises in the time of highly technological era is the AI.

**Artificial Intelligence.** Artificial Intelligence (AI) is the ability of technologies to imitate intellectual activity. For example, it is able to learn itself based on information and given rules, to draw logical conclusions and to correct its decisions. The AI is used to create expert systems, natural language data processing, speech recognition and machine vision. Completion of tasks required a person to spend hours, days and even months on, while the AI is able complete in a few seconds. Today, with the help of the AI, process of opening bank accounts and making purchases become much faster, efficient and accurate. The AI is called “new electricity”: it is changing entire branches of business, and in future it may also change the face of the civilization.

While some senior managers are only beginning to think about the benefits of the AI and machine learning, other directors have already been using the potential of those innovations in full to improve decision-making processes in a company and help businesses grow.

Artificial Intelligence is transforming business processes. As of today, those technologies have a good application at forecasting tasks, such as the classical tasks of demand forecasting. Those technologies are also being quite widely applied in such sectors as finance, telecommunications and retail. At the moment, machine learning is being productively used in manufacturing. In commercial companies, where the dynamics of sales is determined by competition, the AI performs quite well. One of the leaders in the implementation of new technologies is IBM. Its main strategic areas are cognitive services and cloud technologies. Many years of investments in those areas allow IBM clients to take high-quality business decisions.

Most AI systems from the very beginning relied not on a mathematical apparatus, but on logic, using means for dialogue with a user in a natural language, which the previous computing systems were not able to do. At present, hybrid intelligent systems include, along with logic, various mathematical methods of analysis. However, a knowledge base containing formalized knowledge for a specific area is mandatory for intelligent systems, for which various languages of knowledge representation are used. To operate these systems, ordinary computers are used. Supercomputers only make it possible to speed up data processing, which is important for dynamic real-time systems - for example, in controlling spacecraft engines or for weather forecasts. The exception is neural networks, in which mathematical processing of the entered information is carried out, but there is no argumentation and logic of decisions, there is no knowledge base of the subject area and an explanation of the hypotheses put forward. However, the neural network approach is a technology that simulates the work of the brain to some extent. Its true idea remains open.

Natural intelligence is characterized by numerous functions. Some of these functions are implemented in the AI systems, but the main difference between natural and artificial intelligence is the ability to synthesize new knowledge and to identify unknown patterns. The major difference between the AI is that it is initially programmed to perform certain actions. It contains an algorithm due to which it performs certain functions. For example, neural networks - a kind of the AI - can create masterpieces of art: paintings, music and literacy works. However, they initially have a knowledge base, which they rely on. They process huge amount of information at high speed for this.

Benefits of the AI are the following:

- It has absolute memory. A person can forget something, but a machine cannot; it extracts all the information it has when needed.
- It can not make a mistake due to carelessness or fatigue. If the algorithm is supposed to perform computational operations, then the AI will do it as long as it takes.
- Is not affected by emotions. Unlike a person, a machine does not lend itself to manipulation and tricks, it strictly follows instructions regardless of the circumstances. However, one of the dangers is unethical actions – it depends on how it is programmed.
- It gives all possible predictions. A computer is able to calculate absolutely all scenarios for the development of events.

According to some specialist's opinion, a business is going to change, and this fact should not afraid anyone. Machines are quite capable of taking on a lot of routine

operations in future, but humans will need to participate in the processes, at least in the foreseeable future. There is a need in controlling machines, in expert assessment, in resolving emergency situations and creative tasks, in which the AI is not still matched to human being. The processes to be automated are going to change once and for all, but the people who have been engaged in those processes, will most probably switch to doing something more intelligent.

Online robots are already replacing journalists and PR specialists, and mechanical robots are replacing rescuers. In Bloomberg News already 30% of the content is created by the Cyborg software robot. A market observes an ongoing dispute on which occupations are going to disappear and which are not. The probability of replacing different professions with automation was recently estimated by the algorithm of Oxford scientists Frey and Osborne: in the United States, 47% of professions are at high risk. With a probability of 99%, by 2033, telemarketers and insurance agents will give way to software robots, with a 98% probability - referees, with 97% - cashiers, with 96% - chefs and 94% - waiters, 91% - guides and 89% are bakers. Diagnostic doctors are also at risk: Watson's computer algorithm diagnoses cancer in 90% of cases, and human experts - in 50%.

Many professions will not disappear, but will change and become digital. For example, by 2033, design professionals can become designers of virtual worlds, tour guides can lead tours of such worlds, and journalists and editors can create and launch adventure scenarios for the heroes of such digital universes. Rescuers and the military will control robots remotely, and doctors will master telemedicine, which, together with diagnostic algorithms and 3D printing of artificial organs, will accelerate the effectiveness of treatment tenfold.

**Current situation of implementing the AI in the labor market.** Daniel Susskind from Oxford University believes that ultimately the AI, not humans, will become the “default choice” for many kinds of tasks. On the other hand, in the development of the AI, on the contrary, they see the prospects for a breakthrough in human productivity and the competitiveness of companies. Opinions about the impact of AI are controversial due to limited data on such impact. Daron Acemoglu, author of many studies of the impact of technology on employment and wages, together with the colleagues David Autor from MIT and with Pascual Restrepo and Jonathan Hazel from Boston and Princeton Universities attempted to study the impact of the AI on the US labor market, using information on 40,000 employers in 2007 and for 2010–2018. They did not find any noticeable effect of the AI on employment and wages. For the analysis, Acemoglu and co-authors used the database of the analytical company Burning Glass,

which collects information about vacancies from the websites of nearly 40,000 companies in various industries. According to their analysis, since 2015, the demand for the AI by businesses has increased in leaps and bounds: the share of vacancies related to its use in the “narrow” category has almost doubled, and in the “broad” category - almost threefold. The largest share of vacancies related to the AI was recorded in the field of information technology, professional and business services for commercial firms, in finance and industry; the smallest - but nevertheless with an increase of 2-4 times - in retail, wholesale trade, and the service sector. At the same time, at the aggregate level, the authors did not find any influence of AI on employment and wages: neither at the level of industries, nor at the level of professions most affected by the AI technologies. Its implementation does not affect hiring rates. It is quite possible that it is too early to draw conclusions about the impact of the AI on employment at the aggregate level, due to the small share of the AI-related jobs - in the most advanced industries it is limited to a few percent. The same conclusion may indicate that today the benefits from the AI supplementing the skills of workers and its impact on productivity is small compared to the effect of crowding out jobs.

**Predictions of future for the AI.** From a theoretical point of view, the impact of the AI on employment and wages is quite ambiguous and highly dependent on the AI software being developed, market conditions and policies. However, this does not mean that the future situation will remain the same, since even scientists noted that only now, they are about to see the full potential of the AI. According to them almost all today’s basic tasks will be done by robots, and logically their employers will no longer need number of workers, who can constantly do mistakes or get sick in anytime which definitely can lead to losses for businesses. A great example has been observed during pandemic Covid-19, where whole industries stopped operating coming with enormous damages not only to certain countries, but the overall world economy. Many types of jobs soon would replace robots with basic workers. Here a big question appears. How would this group of people survive?

Solid predictions can be analyzed. There will be no extremely limited number of job places, so any person can change his occupation. However, these positions will require a package of specific both, hard and soft skills, which may serve as a huge handicap for former taxi drivers or restaurant servers to explore new areas. It means that there will be millions of people who could not be able to adopt under new circumstances and obliged to live without stable income. Majority, including us, consider that government is the one who should take of this groups. The question is “how”?

The use of machines and less human labor certainly will not imply expenses on salaries for regular employees. Thus, business owners will generate more income.

One of the solutions is to implement new type of taxation, where owners or organizations which came to the services of machines, have to pay from their income that can be equivalent to the 15% previous workers' wages. Result: it is still profitable to save 85% of salary expenses for them, and extra payment for governments, which can provide ex-employees with basic decent salaries. Special schools will be created to train new professions for those, who have worked for many years in various fields, but it is early for them to retire. If they have a desire, the state will pay for their education, which will last only a few months

By 2020, almost a third of companies in the world will invest in the AI, according to the British Gartner. According to the PricewaterhouseCoopers, the use of the AI will increase global GDP by 14% by 2030, or \$15.7 trillion. Companies will start to produce more goods and services that will lead to consumption boom. Devices will become smart, uniting in the ecosystems of the Internet. More and more processes and transactions will take place without human intervention, especially for routine mechanical tasks such as collecting data from various sources. This work will be taken over by robots.

**Conclusion.** Since a human's brain has not yet been fully studied, all of its properties are not yet possible to simulate using the AI. AI is characterized by memory and thinking, but only in the form of algorithms, so the broad concept of human intelligence cannot be compared with a set of programs. However, in an era of disruptive technology, a leap is possible that will bring the AI closer to human intelligence.

Artificial intelligence as an object of civil and business turnover, being a part of the information system, contributes to the formation of modern sustainable economic growth of the "innovative economy", which is based on intellectual resources, science-intensive and information technologies, effective use and qualitative improvement of all factors of production. In this regard, there is a steady trend towards an increase in the role of education, knowledge and innovation, which are a characteristic feature of the advanced development in the world.

## List of references

1. McKinsey&Company (2021). <https://www.mckinsey.com/featured-insights/digital-disruption/harnessing-automation-for-a-future-that-works> (access date: 27.03.2019).
2. Artificial Intelligence and Entrepreneurship: Implications for Venture Creation in the Fourth Industrial Revolution, Dominic Chalmers , Niall G. MacKenzie, Sara Carter. First Published July 15, 2020
3. Innovation and Entrepreneurship: Theory and Practice Paperback – June 30, 2020
4. Entrepreneurship Theory and Practice is now published by Sage Publications Inc. <https://journals.sagepub.com/home/etp>
5. Acemoglu, D, D Autor, J Hazell and P Restrepo (2020), “AI and Jobs: Evidence from Online Vacancies”, NBER working paper No w28257.
6. Acemoglu, D and P Restrepo (2019a), “Automation and New Tasks: How Technology Displaces and Reinstates Labor”, Journal of Economic Perspectives 33(2): 3-30.

# **BARRIERS AND PROBLEMS OF THE DEVELOPMENT OF YOUTH ENTREPRENEURSHIP**

**Muhayo Ozodbekova**

Nowadays, in economic growth, entrepreneurship plays a crucial role. Sadly, the low degree of youth entrepreneurship is observed in many developing economies. A company has a major effect on a country's economic growth. Youth is facing the issue of taking on a new company in developed countries. Certain obstacles also impair the desire of young people to become entrepreneurs. The explanation behind this is that the presence of multiple obstacles in developing economies in case of non-necessity-driven entrepreneurship is frightening future young contractors. The objective of this article is to recognize the obstacles and solutions to the different barriers for young entrepreneurs. The study shows that while substantial progress has been made in the field of youth participation over recent years, entrepreneurship in Uzbekistan remains at its early stages and requires sustainable engineering, thus ensuring the creation and affectivity of numerous local, regional and national youth participation frameworks. It is also crucial to note that the youth work, youth information and non-formal training of young people begin to be standardized and promoted. Surveys reveal that young people feel that they can give a lot and can contribute greatly to all aspects of the growth of society in Uzbekistan. The initial part of the article is literature review, which helps to understand the position of obstacles for entrepreneurship, in particular in relation to young people's entrepreneurship. Different obstacles are listed and explained. The survey focuses on the identification of the value of specific obstacles and the usefulness of adequate education - including business education - for overcoming them.

**Keywords:** *entrepreneurship, economics growth, youth entrepreneurship, entrepreneurship barriers*

**КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА  
ТУРИЗМ СОҲАСИНИ ТИКЛАШ ВА ЁШЛАР ТАДБИРКОРЛИК  
ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**TOURISM SPHERE RECOVERING WAYS AND RISING YOUTH  
ENTERPRENERSHIP ACTIVENESS AFTER THE  
CORONAVIRUS PANDEMIC**

**Уткиржон Холбадалов**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви  
академияси мустақил изланувчиси*

**Баҳром Жураев**

*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти  
катта илмий ходими*

**Аннотация.** Мазкур мақолада туризм соҳасининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва унга COVID-19 пандемиясининг таъсири ўрганилади ҳамда инқирозга қарши курашиш борасида илмий асосланган ва амалиётда самарали қўлланган тажрибалардан келиб чиқиб миллий туризм соҳасини пандемиядан кейинги даврда тиклаш ва истиқболда ривожлантириш таклифлари ишлаб чиқилади.

**Калит сўзлар:** *туризм, инқирозга қарши курашиш, солиқ имтиёзлари, пандемия, мультипликатив самара*

**Abstract.** The article analyzes the role of tourism in the country's economy and the impact of the COVID-19 pandemic on it, as well as develops proposals for the recovery and development of the national tourism sector in the post-pandemic period based on scientifically approved and effectively applied experience in combating the crisis.

**Keywords:** *tourism, pandemic, crisis management, tax incentives, multiplier effect*

## **1. Кириш**

Ўзбекистон Республикасида 2017-2019 йилларда туризм соҳасининг юқори суръатларда ўсиши кузатилиб, ушбу жараён соҳанинг мамлакат

иктисодиётидаги аҳамиятини ошишига олиб келди. Хусусан, туризм соҳаси 2019 йилда фақатгина металлургия ва метални қайта ишлаш саноати (36,3 трлн. сўм) ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимлик ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш (13,8 трлн. сўм) тармоқларидан ташқари қолган барча соҳа/тармоқларга қараганда юқорироқ қўшилган қиймат яратиб, мамлакат иқтисодиётида салмоқли ўринга эга бўлди.

2020 йилнинг бошидан COVID-19 пандемиясининг юзага келиши ва унинг оқибатида дунё мамлакатларида жорий қилинган чеклов чоралари жаҳон иқтисодиёти, шу жумладан, туризмга катта миқёсда салбий таъсир кўрсатди. Халқаро валюта жамғармаси экспертлари ҳисоб-китобларига кўра, коронавирус пандемиясининг салбий таъсири натижасида жаҳон иқтисодиёти 2009 йилда содир бўлган инқироз ҳолатига келди (IMF, 2020).

Коронавирус пандемияси сабабли Ўзбекистон Республикаси ва бошқа мамлакатларда жорий қилинган чеклов чоралари натижасида кооперация алоқаларининг вақтинча қисқариши мамлакат иқтисодиётининг деярли барча соҳаларига ўзининг салбий таъсирини ўтказди. Хусусан, пандемиянинг туризм соҳасига кўрсатган салбий таъсири мамлакатга ташриф буюрувчилар оқими ва туризм хизматлари экспортининг сезиларли даражада камайганлигида акс этди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан ёш ва янги тадбиркорлар учун инвестицион жозибadorлиги ошиб бораётган ушбу соҳага тадбиркорлик фаоллигининг пасайишига олиб келди.

Мазкур шароитда Ўзбекистон Республикасида Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан пандемиянинг салбий таъсирларини юмшатиш бўйича самарали олдини олиш чораларини кўриш, бунда туризм каби республика иқтисодиётининг жадал ривожланаётган тармоқларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш муҳимлиги таъкидланди<sup>4</sup>.

Мақоланинг асосий мақсади назарий ва эмпирик тадқиқот усулларидадан фойдаланган ҳолда коронавирус пандемияси сабабли юзага келган ҳолатнинг юртимиз туризм соҳаси ва ундаги иқтисодий муносабатларга бўлган таъсирини баҳолаш, соҳанинг инвестицион жозибadorлигини ошириш ва ёш тадбиркорларни жалб қилиш ҳамда пандемиядан кейинги даврда соҳани тиклаш бўйича устуворликларни белгилаб, улар асосида тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сон Фармони.

## 2. Адабиётлар шарҳи

Адабиётлар таҳлиliga кўра, инқирозларнинг таъсири ва уни енгиб ўтишга қаратилган чоралар 3 босқичга бўлиб ўрганилади. Хусусан, (1) инқирозни олдини олиш, яъни инқирозгача режалаштириш, (2) инқироз давридаги салбий оқибатларни юмшатиш ва (3) инқироздан кейинги тикланиш босқичларига бўлинади (Ritchie, 2004).

Таъкидлаш керакки, биринчи босқичдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, яъни инқироз юзага келишидан олдин унга қарши чораларни режасини тузиш амалиётда мураккаб вазифалардан бири ҳисобланади. Бунинг сабаби эса аксарият инқирозларнинг бошланиш даври ҳамда уларнинг салбий таъсири кўламини олдиндан айтиш мушкул эканлигидадир. Шу сабабли, иккинчи босқичда туризм соҳасидаги давлат ва хусусий секторларнинг инқирозга ўз вақтида ва самарали жавоб бера олиши, учинчи босқичда эса инқироздан қисқа вақтда чиқишга доир кўриладиган чора-тадбирлар ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Илмий адабиётлардаги назарий ва эмпирик тадқиқотлар таҳлиliga асосан жаҳонда бўлиб ўтган турли хил инқирозлар вақтида кенг миқёсда қўлланилган инқирозга қарши курашиш стратегияларини 6 тага ажратиб кўрсатиш мумкин:

- туризм дестинациясининг ижобий қиёфасини тиклашга қаратилган сифатли ва арзон туризм хизматларини кўрсатувчи дестинация сифатида тарғиб қилувчи маркетинг кампанияларини ўтказиш (Prideaux, 1999);
- туризм соҳасининг иқтисодий агентлари, хусусан туризм соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасида яқиндан ўзаро шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш (Ritchie, 2004);
- фискал сиёсат доирасида туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш (Blake & Sinclair, 2003);
- туризм маҳсулотлари ва хизматлари нархларини тушириш (Henderson, 1999);
- ички туризмни жонлантириш ва фаоллаштириш (Henderson, 1999a);
- географик жойлашуви яқин бўлган мамлакатлардан туристлар оқимини ошириш (Bronner & de Hoog, 2014).

Шу билан бирга, табиий ва техноген инқирозларнинг туризмга бўлган салбий таъсирининг давомийлиги уларнинг даражаси ҳамда уларга қарши кўриладиган чора-тадбирларнинг ўз вақтидалиги ва самарадорлигига бевосита боғлиқ ҳисобланади (Bar On, 2001). Бутунжаҳон саёҳат ва туризм кенгашининг

баҳолашича, эпидемиялар натижасида юзага келган инқирозларнинг бошланишидан ундан кейинги тикланишга қадар кетадиган вақт 70 ойгача бўлган даврни ўз ичига олиши мумкин (WTTC, 2019).

Коронавирус пандемиясининг туризм соҳасига бўлган таъсири ва ундан чиқиш йўллари ишлаб чиқиш бўйича ҳам бир қатор эмпирик тадқиқотлар ўтказилган. Хусусан, Booking Holdings Inc., Expedia Group and Trip.com Group Ltd. каби жаҳон миқёсида меҳмонхона, авиачипта ва саёҳат хизматларини ташкил этишга кўмаклашувчи йирик компанияларнинг ҳозирги пандемиядан олдин ва кейинги даврлардаги иқтисодий фаолияти ва кўрсаткичлари таҳлили асосида жаҳон туризм бозорида талаб инқирози юзага келганлиги кўрсатилган (Liew, V.K.-S., 2020).

Шунингдек, тадқиқотлар таҳлили коронавирус пандемиясининг иқтисодий кўрсаткичларга бўлган таъсири билан бир қаторда қисқа истиқболдаги даврда туризм дестинацияларининг қиёфасига ҳамда узоқ истиқболдаги даврда эса ташриф буюрувчилар ва мезбонлар ўртасидаги мунобатларга салбий таъсир қилишини кўрсатмоқда (Kour et al., 2020; Qiu et al. 2020).

Илмий адабиётлар таҳлилига кўра, жаҳонда юз берган турли инқироз ҳолатларининг Ўзбекистон Республикаси туризм соҳасига, хусусан ёш тадбиркорлар фаолиятига кўрсатган таъсири, инқироздан кейинги тикланиш жараёнлари, жиҳатлари ва йўналишлари тизимли таҳлил асосида ўрганилмаган бўлиб, ушбу мақоланинг асосий мақсадларидан бири мазкур мавжуд бўшлиқни тўлдиришдан иборат.


### **3. Тадқиқот методологияси**

Мазкур мақола доирасидаги илмий тадқиқотни амалга ошириш учун бир қатор тадқиқот усуллари қўлланилди. Хусусан, туризм соҳасига тааллуқли илмий адабиётлар, эмпирик тадқиқотлар натижалари таҳлил қилинди, шунингдек таҳлил учун далилларни тўплаш ва муаммони аниқлаш, хронологик ва амалдаги тенденцияларни кузатиш, статистик таҳлил ва давр оралиғида тадқиқ қилиш ҳамда қиёслаш каби тадқиқот усуллари қўлланилди.

Тадқиқот ишида зарурий маълумотлар базасини шакллантиришда Бутунжаҳон туризм ташкилоти, Бутунжаҳон саёҳат ва туризм кенгаши, Жаҳон банки, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Статистика давлат қўмитаси каби халқаро ташкилотлар ва давлат бошқаруви органларининг статистик ва сифат кўрсаткичларидан фойдаланилган.

### **4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси**

Ўзбекистон Республикаси туризм соҳасини ривожлантириш ва унинг воситасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини таъминлаш имконияти ва захираларига эга. Буни туризм соҳасидаги асосий кўрсаткичларнинг динамикаси ва унга давлат томонидан амалга оширилган ислохотларнинг самарадорлигида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, 2017-2019 йилларда хорижий туристлар оқими ва уларга кўрсатилган туризм хизматлари ҳажмининг кескин ошиши, соҳадаги тадбиркорлик субъектлари ва банд бўлганлар сонининг ўсиши ўз навбатида ушбу соҳани иқтисодиётнинг айрим бошқа соҳаларига қараганда юқори салоҳиятини кўрсатиб берди.



**1-расм. 2016-2019 йилларда туризм соҳаси кўрсаткичлари динамикаси<sup>5</sup>**

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2019 йилда Ўзбекистон миллий иқтисодиётида туризмнинг тўғридан-тўғри улуши 13,6 трлн. сўмни ёки ЯИМнинг 2,7%ини ташкил этган бўлса, жами улуши эса (билвосита ҳамда ҳосилавий улуши билан) 24,7 трлн. сўм ёки ЯИМнинг 4,9%ига тенг бўлди<sup>6</sup>. Бундан, маълумки, Ўзбекистонда туризмнинг иқтисодиётга мультипликатив таъсири 1,8 га тенг, яъни бевосита туризм соҳасида яратилган ҳар 1 сўм, иқтисодиётда 1,8 сўмли маҳсулот ва хизмат яратилишига асос бўлади.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.

<sup>6</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари



**2-расм. Қўшилган қиймат яратиш бўйича туризм соҳасини иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш ва бошқа соҳа/тармоқлари билан қиёсий таҳлили<sup>7</sup>**


(2019 йил, трлн. сўм)

Шунингдек, туризм соҳасининг иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш (қайта ишлаш) ва бошқа соҳа/тармоқлари билан қиёсий таҳлилига кўра, туризм соҳаси фақатгина металлургия ва металл қайта ишлаш саноати (36,3 трлн. сўм) ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш (13,8 трлн. сўм) тармоқларидан ташқари қолган барча соҳа/тармоқларга қараганда 2019 йилда юқорироқ қўшилган қиймат яратган ва миллий иқтисодиётда салмоқли ўринга эга бўлган (2-расм).

Туризм соҳаси бандликни таъминлаш, қўшимча иш ўринларини яратиш масалаларида ҳам алоҳида аҳамиятга эга. 2017 йилдан хорижий туристлар оқимининг жадал ўсиши ва туризм хизматларига бўлган талабнинг ошиши натижасида соҳадаги тадбиркорлик субъектларининг сони орта бошлади. Туроператорлар сони 2016 йилдаги 425 тадан 2019 йилда 1 482 тага (3,5 баробар) етган бўлса, жойлаштириш воситалари сони 750 тадан 1 188 тага (1,6 баробар)

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.

етди. Мос равишда мазкур соҳада бевосита банд бўлганлар сони ҳам 2016 йилдаги 170,9 минг кишидан 2019 йилда 230,5 кишига етди.



### 3-расм. 2016-2019 йиллардаги туризм соҳаси субъектлари ва соҳадаги бевосита бандлик тенденцияси<sup>8</sup>


Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2016 йилда ҳар 12 нафар хорижий туристга 1 та иш ўрни тўғри келган бўлса (ҳар 4 нафар туристга 1 иш ўрни), 2019 йилга келиб эса, 29 та хорижий туристга 1 та иш ўрни (ҳар 5 нафар туристга 1 иш ўрни) тўғри келади. Бутунжаҳон саёҳат ва туризм кенгашининг маълумотлари асосида мамлакатимиздаги туризм соҳасидаги бандлик кўрсаткичининг хорижий мамлакатлардаги ҳолат билан таққослама таҳлилига кўра, Ўзбекистонда 2019 йилда ҳар 1000 та иш билан банд бўлганларнинг 17 таси туризм соҳасида фаолият юритган бўлса, дунё бўйича ҳар 1000 иш ўрнидан 100 таси, Қозоғистонда – 49 та, Россияда – 56 та, Беларуссияда – 67 та, Эронда – 73 та, Озарбайжонда – 77 та, Қирғизистонда – 85 та, Малайзияда – 147 та, Грузияда – 277 та иш ўрни туризм соҳасига тўғри келади<sup>9</sup>.

Шунингдек, юқори туристик салоҳият ҳамда салмоқли мультипликатив самарага қарамасдан, мамлакат туризм соҳасининг ЯИМдаги улуши туризм соҳасидаги

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.

<sup>9</sup> WTTC. Economic Impact Reports, Country / Region Data. Available at: <https://wttc.org/Research/Economic-Impact>

асосий рақобатчи мамлакатларидаги кўрсаткичлардан сезиларли даражада паст (4-расм).



**4-расм. Ўзбекистон Республикаси билан баъзи хорижий мамлакатлардаги туризмнинг ЯИМдаги улуши кўрсаткичлари<sup>10</sup>**


(фоизда)

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, 2020 йилнинг бошидан дунёда кенг тарқалган COVID-19 вируси натижасида дунё мамлакатларида жорий қилинган чеклов чоралари Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг барча жабҳалари қаторида туризм соҳасига ҳам катта салбий таъсир кўрсатди. Хусусан, чеклов чораларининг туризм соҳаси фаолиятига кўрсатган салбий таъсири даражасини хорижий туристлар сони ва уларга кўрсатилган хизматлар ҳажмининг сезиларли камайганлигида кузатиш мумкин.

2020 йилнинг дастлабки икки ойи давомида мамлакатга келган хорижий туристларнинг сони 2019 йилнинг ушбу даврига нисбатан ўртача 12,5%га ўсган бўлса, март ойида ўтган йилнинг мазкур ойига нисбатан 57,2%га пасайди, апрель ойига келиб эса хорижий туристлар оқими бутунлай тўхтади. 2020 йилнинг якуни бўйича хорижий туристлар оқими ўтган йилга нисбатан 4 мартага камайди (5-расм).

Туризм хизматлари экспорти ҳажми эса 2020 йил давомида 2019 йилдаги кўрсаткичлардан 5 баробарга пасайди. Бунинг оқибатида мамлакат туризм соҳаси ўтган йил давомида жами 1 052,1 млн. долл. миқдоридаги потенциал даромадни йўқотди.

<sup>10</sup> Жаҳон банки маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.



**5-расм. Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрган хорижий туристлар сони ва туризм хизматлари экспорти ҳажми<sup>11</sup>**

Пандемиянинг туризм соҳаси субъектларига бевосита таъсирини баҳолаш мақсадида 2020 йилнинг апрел-май ойларида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилган 465 та туроператорлар ва жойлаштириш воситалари иштирокидаги сўровнома натижаларига кўра (Холбадалов, 2020):

- пандемия таъсирида туроператорларнинг 81% ва жойлаштириш воситаларининг 63% ўз фаолиятини вақтинча тўхтатиб туришга мажбур бўлишган;
- туроператорларнинг 62% ва жойлаштириш воситаларининг 74% ўз шароитидан келиб чиқиб ходимлар сонини қисқартиришган;
- 2020 йилнинг 1-ярмида молиявий зиён ҳажми:  
 туроператорларнинг 34%да – 100-300 млн сўм, 12%да эса – 1 млрд. сўмдан юқори бўлган;  
 жойлаштириш воситаларининг 35%да – 100 млн. сўмгача , 21%да эса – 1 млрд. сўмдан юқори даражада баҳоланган.

<sup>11</sup> Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилди.

Мазкур ҳолат эса, туризм соҳасида эришилган ижобий натижалар, шу жумладан мазкур соҳадаги тадбиркорлик фаолиятининг жозибадорлигига, туризм хизматлари таклифининг хилма-хиллиги, сифати ва нархига, хорижий туристлар учун жозибали туристик маскан сифатида танланишига ва ички туристик фаолликка салбий таъсир кўрсатмасдан қолмади.

Туризм соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини пандемия шароитида қўллаб-қувватлаш ва инқироз таъсирини юмшатиш мақсадида мамлакат Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сон ҳамда 2020 йилнинг 3 апрелидаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодий тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5978-сон Фармонлари асосида туризм соҳасига бир қатор солиқ имтиёзлари ва преференциялар берилди.

Шунингдек, туризм соҳасига ёш тадбиркорларни жалб қилиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 майдаги “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6002-сон Фармони билан туризм соҳасидаги истиқболли стартап-лойиҳалар ва инновацион бизнес ғояларни қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланди.

Унга кўра, ёшлар ўртасида инновацион бизнес ғояларни танлаб олиш ва рағбатлантириш мақсадида “Tourism. The path to innovation” танлови ташкил қилиниши йўлга қўйилди. Жорий йилда ўтказилган танловда 101 та лойиҳалардан 18 та ташаббускорнинг лойиҳалари субсидияланди.

Шунингдек, соҳада фаолият юритаётган 1 386 та меҳмон уйлариининг 800 таси ёш тадбиркорлар ташкил қилиб, жорий йилнинг якунига қадар Туризм ва спорт вазирлиги томонидан яна камида беш юзта меҳмон уйлари бўйича ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш режалаштирилган. Фаолият олиб бораётган 1 346 та туроператорнинг эса 20 фоизини ёш тадбиркорлар ташкил қилиб, жорий йил якунига қадар қўшимча юзга яқин ёш тадбиркорни туроператор сифатида туризм соҳаси тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтиши режалаштирилган.

Хозирги кунда туризм соҳасидаги бирламчи вазифалардан бири бу инқироздан кейинги даврда инқироз натижасида юзага келган салбий оқибатларни самарали бартараф этиш, соҳани тиклаш йўналишларини белгилаб

олиш ва пировард натижаси сифатида туризм соҳаси ривожланишининг барқарорлигини таъминлаш ҳисобланади.

Бунда эса, жаҳонда бўлиб ўтган инқирозлардаги уларга қарши курашиш ва тикланиш бўйича илғор хорижий тажриба, ҳозирги инқироз даврида турли халқаро ташкилотларнинг тавсиялари ва мамлакат туризм соҳасининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, туризм соҳасида ёшлар тадбиркорлик фаоллигини ошириш, туризм соҳасига хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш ва тадбиркорлик фаолиятини манзилли қўллаб-қувватлаш, соҳада инсон капиталини ривожлантириш, миллий туризмнинг ижобий қиёфасини яхшилаш ва туризм маҳсулотига бўлган талабни тиклаш, шунингдек туризм маҳсулотини хилма-хиллигини ошириш йўналишларида чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ушбу чора-тадбирларни самарали амалга оширилиши ва давом этаётган инқироздан қисқа муддатларда тикланишда давлат ва хусусий секторининг кенг қўламда ҳамкорлиги ҳамда мазкур жараёнга жамоатчиликни жалб қилиш муҳим шартлардан бири ҳисобланади.

## **5. Хулоса ва таклифлар**

Юқоридаги тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- COVID-19 пандемияси Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг барча жабҳалари қатори, туризм соҳасига ҳам катта миқёсда салбий таъсир кўрсатди;
- пандемия даврида юзага келган ҳолатларнинг туризм соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига бўлган салбий таъсирларини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги зарурий чоралар кўрилди. Шу билан биргаликда инқироздан кейинги даврда туризм соҳасини қайта тиклаш йўналишларини белгилаб олиш ҳамда барқарор ривожланишини таъминлаш биринчи даражали вазифа ҳисобланади.

Пандемиянинг мамлакат туризм соҳасига кўрсатган салбий таъсирини бартараф этиш, инқироздан кейинги даврда тикланиш ва барқарор ривожланишини таъминлаш, шунингдек соҳада ёшлар тадбиркорлик фаоллигини ошириш мақсадида қуйида келтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Туризм соҳасида ёшлар тадбиркорлик фаоллигини ошириш:

- ёш тадбиркорлар томонидан янги туризм турларини ривожлантиришга қаратилган ташаббусларига грантлар ажратиш механизмларини такомиллаштириш орқали уларни қўллаб-қувватлаш;
- IT соҳасидаги иқтидорли ёшларни туризм соҳасидаги хизматларни ахборот технологиялар орқали амалга оширишга имконият берувчи маҳсус дастурлар, онлайн платформаларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этишга рағбатлантириш;
- туристик салоҳиятга эга бўлган, аммо ундан фойдаланилмаётган чекка ҳудудларда уларда истиқомат қилаётган маҳаллий ёшларни туризм соҳасида тадбиркорлик фаолиятини бошлашни қўллаб-қувватлаш.

2. Туризм соҳасига хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш ва тадбиркорлик фаолиятини манзилли қўллаб-қувватлаш:

- туризм ва транспорт соҳаларида амалда бўлган тегишли солиқ ва мажбурий йиғимлар ва уларнинг ставкаларини қайта кўриб чиқиш асосида миллий туризм маҳсулотлари ва хизматларининг таннархини тушириш орқали инқироздан кейинги даврда жаҳон туризм бозорига нарх ва сифат бўйича рақобатбардош туризм маҳсулотлари билан кириш, хусусан:

а) туризм соҳасида амалдаги қўлланилаётган солиқ ва божхона имтиёзларини таҳлили асосида уларнинг самарадорлиги юқори бўлганларини амал қилиш муддатларини камида икки йилга узайтириш;

б) жойлаштириш воситалари, туроператорлар ва умумий овқатланиш нуқталари учун пасайтирилган ставкадаги қўшилган қиймат солиғини жорий қилиш;

- жойлаштириш воситаларини қуришни субсидиялаш ва тоифани оширишни компенсациялаш бўйича амалда бўлиб турган тартибидан фойдаланиш муддатини 2024 йилнинг бошига қадар узайтириш;

3. Туризм соҳасида инсон капиталини ривожлантириш:

- соҳа мутахассисларида янги талабларни инобатга олган ҳолда малака ва кўникмаларни ривожлантириш, уларни рақамли технологиялар бўйича тажриба ва билимларини оширишга мўлжалланган маҳсус дастурларни ишлаб чиқишни рағбатлантириш;
- ҳунармандлар, мустақил санъат вакиллари ва бошқа ўзини ўзи банд қилганлар, шунингдек оилавий тадбиркорларни ўз маҳсулотларини халқаро онлайн дўконларда тарғиб қилиш ва сотиш бўйича малакаларини ошириш;

4. Миллий туризм ижобий қиёфасини яхшилаш ва туризм маҳсулотига бўлган талабни қайта тиклаш:

- инқироздан кейинги даврда санитар-эпидемиологик ҳолат барқарорлигини таъминлаш, ушбу йўналишда амалга оширилган чора-тадбирлар, натижалар ва жорий ҳолат бўйича тўлиқ ва холис ахборотни ОАВ орқали маҳаллий ва хорижий жамоатчиликка доимий равишда маълум қилиб бориш асосида туризм дестинациясига бўлган ишончни қайтариш;
- ички туризмни жадаллаштириш мақсадида:

а) давлат ва хусусий ташкилотлар томонидан ўз ходимларига байрам кунлари ва меҳнат таътиллари даврида мамлакат доирасида (*бошқа вилоятларга*) саёҳатни кўзда тутувчи оилавий туристик таътил ваучерларини бериш амалиётини жорий қилиш (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февралдаги “Ички туризмни ривожлантириш чоралари тўғрисида”ги ПҚ–3514-сон қарори 8-бандида кўзда тутилган имтиёзлар асосида*);

в) чекка ҳудудлардаги туризм масканлари бўйича маълумотларни (*объект тўғрисида умумий маълумот, мавжуд жойлаштириш воситалари, олиб борувчи транспорт воситалари турлари ва ўртача нархлари тўғрисида маълумотлар*) шакллантириш ва турмахсулот истеъмолчиларга етказиш:

- биринчи навбатда кўшни мамлакатлар учун махсус маркетинг ва тарғибот кампанияларини ишлаб чиқиш;
- ижтимоий тармоқлар ва “миллениал”ларнинг саёҳатни тарғиб қилиш бўйича имкониятидан кенг фойдаланиш.

## Адабиётлар

1. Bar On, R. (2001). Middle East and the Mediterranean to 1999, and preliminary worldwide estimates for 2000. *Tourism Economics*, 7 (1), p. 89-103.
2. Blake, A., & Sinclair, T. (2003). Tourism crisis management: US response to September 11. *Annals of Tourism Research*, 30(4), p. 813-832.
3. Bronner, F., & de Hoog, R. (2014). Vacationers and the economic “double-dip” in Europe. *Tourism Management*, 40, p. 330-337.
4. Henderson, J. (1999). Southeast Asian tourism and the financial crisis: Indonesia and Thailand compared. *Current Issues in Tourism*, 2(4), p. 294-303.
5. Henderson, J.C., & Ng, A. (2004). Responding to crisis: Severe acute respiratory syndrome (SARS) and hotels in Singapore. *International Journal of Tourism Research*, 6(6), p. 411-419.

6. International Monetary Fund. (2020). *World Economic Outlook: The Great Lockdown* [Online]. Available at: <https://www.im-f.org/en/Publications/WEO/Issues/2020/04/14/weo-april-2020>
7. Kour, P., Jasrotia, A. and Gupta, S. (2020). COVID-19: a pandemic to tourism guest-host relationship in India, *International Journal of Tourism Cities*, Vol. ahead-of-print No. ahead-of-print. <https://doi.org/10.1108/IJTC-06-2020-0131>.
8. Liew, V.K.-S. (2020). The effect of novel coronavirus pandemic on tourism share prices, *Journal of Tourism Futures*, Vol. ahead-of-print No. ahead-of-print. <https://doi.org/10.1108/JTF-03-2020-0045>
9. Prideaux, B. (1999). Tourism perspectives of the Asian financial crisis: Lessons for the future. *Current Issues in Tourism*, 2(4), p. 279-293.
10. Qiu, R-T.R., Park, J., Li, Sh., Song, H. (2020). Social costs of tourism during the COVID-19 pandemic, *Annals of Tourism Research*, Volume 84, <https://doi.org/10.1016/j.annals.2020.102994>
11. Ritchie, B. (2004). Chaos, crises and disasters: A strategic approach to crisis management in the tourism industry. *Tourism Management*, 25(6), p. 669-683.
12. World Travel and Tourism Committee. (2019). *Crisis Readiness* [Online]. Available at: <https://www.wttc.org/publications/2019/crisis-readiness/>
13. Фармон (2020). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сон Фармони.
14. Фармон (2020). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилнинг 3 апрелидаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодий тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5978-сон Фармони.
15. Холбадалов, У. (2020). Covid-19 пандемиясининг туризмга бўлган таъсири ва уни бартараф этиш йўллари. *Молия ва банк иши*, 2/2020, 345-358.

# МОЛОДЕЖНОЕ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВО КАК ФАКТОР УСТОЙЧИВОГО СОЦИАЛЬНО ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ

**Татьяна Ким**

*PhD, и.о.доц. кафедры "Экономическая теория", Национальный университет Узбекистана им. Мирзо Улугбека*

**Зухра Бекмуродова**

*Студентка, Национальный университет Узбекистана им. Мирзо Улугбека*

**Малика Джумаева**

*Студентка, Национальный университет Узбекистана им. Мирзо Улугбека*

**Аннотация:** Молодежное предпринимательство является актуальным в данное время, когда необходимо быстро охватывать новые технологии и реализовывать внутренний потенциал молодой части населения. Для развития данной сферы в настоящее время проводятся различные мероприятия, способствующие решению препятствующих факторов, а также стимулированию стабильного развития экономики.

**Ключевые слова:** *молодежь, малый бизнес, молодежное предпринимательство, инновации, проблемы бизнеса, развитие молодежного предпринимательства.*

**Abstract:** Youth entrepreneurship is relevant at this time, when it is necessary to quickly embrace new technologies and realize the internal potential of the young part of the population. For the development of this sphere, various measures are currently being carried out to help solve the obstacles, as well as to stimulate the stable development of the economy.

**Keywords:** *youth, small business, youth entrepreneurship, innovation, business problems, development of youth entrepreneurship.*

В настоящее время молодежное предпринимательство играет важную роль в развитии экономики, ведь именно это способствует стимулированию и созданию новых компаний, активной разработке и внедрению новых

инновационных технологий и продуктов. Молодёжь - это та часть населения, которая с лёгкостью воспринимает всё новое и в большей степени готова брать на себя риски. Малые предприятия, организованные молодой частью населения, способны значительно ускоренно адаптироваться к потребительским запросам, осваивая выпуск мелкосерийной, специфической продукции или уникальных услуг для отдельных рыночных сегментов. Также молодые люди владеют высоким уровнем интериоризации образования, т.к. прошел небольшой срок с момента окончания учебного заведения, либо продолжают обучение и их знания являются актуальными.<sup>12</sup>

Молодежный бизнес занимает значительное место в решении таких социально-экономических проблем, как обеспечение новых рабочих мест и снижение уровня безработицы, подготовка квалифицированных кадров, малый и средний бизнес обеспечивает высокую эффективность капиталовложений и, как следствие, увеличиваются налоговые поступления в бюджеты всех уровней.<sup>13</sup> Расширение возможностей и усиление влияния молодежного предпринимательства способствует развитию необходимости использования его потенциала. В настоящее время молодежная среда считается как стратегически значимый ресурс общества. Молодежный фактор определяет во многом будущее сферы инноваций, что способствует развитию в различных отраслях экономики.

На сегодняшний день одной из проблем остается низкая предпринимательская активность молодежи, что вызвано недостаточным осведомлением информацией о субъектах предпринимательской деятельности, которые способны на практике обеспечить необходимый уровень поддержки начинающим предпринимателям.

Факторами, препятствующими развитию молодежного предпринимательства, являются:

1. Поиск стартового капитала. Низкое предпринимательство среди молодого поколения связано тем, что молодежь не имеет собственных сбережений, они вынуждены искать либо инвесторов, либо необходимые на то средства.
2. Нехватка необходимых связей.

---

<sup>12</sup> Казимов Г. Ю, статья на тему «Поддержка молодежного предпринимательства как фактор экономического развития России»

<sup>13</sup> Рубин, Ю.Б. Предпринимательство: учебник / Ю.Б. Рубин - Московский финансово-промышленный университет «Синергия», 2014. - 13-е изд., переиздан дополнительно

3. Недостаточный опыт в сфере предпринимательства и нехватка бизнес-навыков.
4. Отсутствие веры в личный успех, низкий уровень предрасположенности к предпринимательской деятельности.
5. Неэффективная государственная политика;
6. Сильное налоговое бремя;

Важную роль в решении данной проблемы играет государственная политика. Государственная политика должна быть направлена на привлечение к самостоятельной предпринимательской деятельности свободную рабочую силу. Это возможно реализовать:

- С помощью законодательного аспекта – закрепляя понятий законодательства, таких как “молодой предприниматель”, “молодежное предпринимательство”;
- В аспекте экономики – либерализируя и облегчая ведение хозяйственной деятельности с помощью уменьшения и упрощения количества обязательных процессов налогового и бухгалтерского учета и других норм контроля технического характера;
- В аспекте образования – устраняя разрыв системы образования от условий бизнеса в стране, создании и проведении профориентационных работ на уровне учебных заведений разного уровня, прогнозировании и определении необходимости потребностей специалистов разных сферы и т.п.

В связи с выше представленными данными, можно сделать вывод, что в данный момент стоит сделать важный акцент развитию предпринимательства среди молодежи, так как активное ее функционирование способствует стабилизации как экономических, так и других факторов. А также представленные проекты со стороны молодежи в сфере предпринимательской деятельности и льготные условия со стороны государства влияют на более привлекательный и благополучный процесс осуществления стратегии развития социально-экономического фактора.

### **Список использованной литературы**

1. Конституция Республики Узбекистан
2. Верховская О. Р., Дорохина М. В. Глобальный мониторинг предпринимательства. Высшая школа менеджмента Санкт-

Петербургского государственного университета, Россия 2012. – URL: [http://gsom.spbu.ru/files/upload/research/gem/gem\\_full\\_13.pdf](http://gsom.spbu.ru/files/upload/research/gem/gem_full_13.pdf) (дата обращения: 11.05.2017).

3. Казимов Г. Ю, статья на тему «Поддержка молодежного предпринимательства как фактор экономического развития России»
4. Рубин Ю.Б. Предпринимательство: учебник - Московский финансово-промышленный университет «Синергия» – 13 - е изд., переиздан дополнительно – М.: 2014. – 864 с.

# ЁШЛАРНИНГ ИШСИЗЛИГИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Муҳаббат Асқарова

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий тадқиқот маркази “Демография ва меҳнат бозори” сектори илмий ходим*

**Аннотация.** Мақолада ҳозирги пандемия даврида хорижий давлатлардаги ва Ўзбекистонда ёшлар ишсизлиги муаммолари, келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари ҳақида фикр юритилади.

**Abstract.** The article discusses the problems of youth unemployment, causes and consequences of their emergence in foreign countries and Uzbekistan during the current pandemic.

**Калит сўзлар:** *меҳнат бозори, ёшлар меҳнат бозори, аҳоли, бандлик, ишсизлик, меҳнатга лаёқатли ёшдагилар, меҳнатга лаёқатли аҳоли.*

**Keywords:** *labor market, youth labor market, population, employment, unemployment, working age population, labour force.*

Бугунги кунга келиб, дунё мамлакатларида ёшлар ўртасидаги ишсизликни ортиши кузатилмоқда. Жаҳондаги демографик жараёнларнинг ўзгариши ўз навбатида иқтисодиётнинг ривожланишига таъсир кучини ўтказмоқда. Жаҳон иқтисодиётининг ўсиши давом этсада, ишсизлар сони ортиб бормоқда. Бунга биринчи навбатда иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, бўш иш ўринлари билан меҳнатга лаёқатли аҳоли сони мос равишда ўсмаётганлиги сабаб бўлса, иккинчи ўринда замонавий ишлаб чиқариш техникаларнинг ривожланиб автоматлаштириш жараёнлари ҳам таъсир қилмоқда. Меҳнат бозорига кириб келаётган йигит-қизлар сонининг йилдан-йилга ортиб бориши сабабли, уларнинг иқтисодиётимизнинг турли жабҳаларига тўғри йўналтира олиш, бандлигини таъминлаш давлат сиёсатининг муҳим қисмини ташкил этади.

Бугунги кунда бутун дунёда ҳавф уйғотаётган COVID-19 глобал пандемияси бу муаммони янада кескин тус олишига сабаб бўлмоқда. Масалан, Европада 5,5 миллион ёшлар ҳеч қандай иш билан таъминланмаган<sup>14</sup>. Яъни, улар ҳеч қаерда ишламайди, ўқимайди, амалёт ўтамайди. Бундай ёшлар гуруҳи

---

<sup>14</sup> <https://ru.euronews.com/2020/01/29/youth-unemployment>

хорижий давлатларда **NEET** (англ. Not in Education, Employment or Training)<sup>15</sup> деб юритила бошланди. Бизда эса бундай гуруҳ ёшлари “уюлмаган ёшлар” деб юритилади.

Ёшлар орасида ишсизлик – бу иш излаётган, аммо иш топа олмаётган ёшларнинг аҳволи тушинилади. Бу ёш чегараси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 15-24 ёш деб белгиланган. Аслида ҳам ишсиз одам – бу иши йўқ, лекин фаол равишда иш излаётган кишини тушинилади. Ўзбекистон Давлат Статистика қўмитаси маълумотларида 16 – 29 ёш оралиғидагилар ёшлар деб юритилади.

Ёшларнинг ишсизлиги мактабни битиргандан кейин юзага келишини инобатга оладиган бўлсак, бу даврда улар саралаш босқичидан ўтади. Яъни уларнинг қанчадир қисми олий ўқув юртларига, қанчадир қисми ҳарбий хизматга, яна қанчадир қисми ўз иш ўрнини топади. Ҳар бир давлат учун мана шу ёшларнинг тақдири муаммо ҳисобланади. Ҳар йили мактаб ёки коллежларни битираётган ёшларни инобатга оладиган бўлсак уларнинг сони ортиб боради.

2019 йил август ойида Европада ёшлар ўртасидаги ишсизлик даражаси 14,2 фоизни ташкил этган. Энг юқори ишсизлик кўрсаткичи Европанинг жанубида жойлашган давлатларда қайд этилган. Масалан, Юнонистонда бу кўрсаткич – 33 фоизни, Испанияда – 32,2 фоиз ва Италияда – 27,1 фоизни ташкил этган<sup>16</sup>.

Россияда эса 2019 йил охирида 20-24 ёшдаги ёшлар ўртасидаги ишсизлик даражаси 15,1 фоизни, 15-19 ёшдаги ёшлар орасида 22,1 фоизни ташкил этган<sup>17</sup>.

Ўзбекистонда 30 ёшгача бўлган ёшлар сони 18 миллиондан зиёд. Бу – аҳолининг қарийб 55 фоизини ташкил этади. Бугунги кунда 18-30 ёшлилар орасида расмий ишсизлик 17 фоиз экани қайд этилди<sup>18</sup>.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики ёшлар ишсизлиги глобал муаммога айланиб бормоқда. 15 – 24 ёшдаги 621 миллион ёшлар таълим, иш ёки ўқиш билан шуғулланмайдилар. 75 миллион ёшлар ўқитилган, аммо улар ҳам ишсиз<sup>19</sup>. Сўнги ўн йилликда бир миллиард ёшлар меҳнат бозорига кириб келмоқда. Бу ёшларнинг ҳам аксарият қисми тартибсиз ёки давомий иш билан таъминланиш кўрсаткичлари жуда паст. Иш билан таъминланаётганлари ҳам норасмий секторда.

---

<sup>15</sup> [https://ru.wikipedia.org/wiki/Поколение\\_ни-ни](https://ru.wikipedia.org/wiki/Поколение_ни-ни)

<sup>16</sup> <https://ru.euronews.com/2020/01/29/youth-unemployment>

<sup>17</sup> <https://rg.ru/2021/02/04/rossii-neobhodimo-preodolet->

<sup>18</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/4105>

<sup>19</sup> <https://plan-international.org/eu/youth-unemployment-facts>

Бугунги кунда дунё бўйича ёшларнинг 90 фоизи ривожланаётган мамлакатларда истиқомат қилади. Ёшлар ўртасидаги ишсизлик даражаси катталарга қараганда уч баробар кўп. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ҳисоб – китобларига кўра, глобал ишсизлик даражаси 2016 йилда 13,1 фоиз (71 миллион ёшлар) бўлган. Ҳозирги кунда дунёда ишлаётган ёшларнинг 23 фоизи кунига атиги 1, 25 АҚШ долларида кам пул топишади<sup>20</sup>. Бу эса муаммонинг янада жиддий тус олаётганлигини кўрсатади. Чунки ушбу ёшларнинг меҳнат фаолиятининг давомийлиги аниқ эмас.

Ҳар бир давлат учун ёшларнинг иш билан таъминлашда унинг давомийлиги эътиборга олинса муаммонинг бироз бўлсада ечими топилган бўлар эди. Лекин давлатлар ҳудудларида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг фаолияти ҳам қониқарли деб бўлмайди. Фаолияти жадал ривожланаётган, дунё эътироф этадиган йирик коорпарациялар ёки фирмалар ўз ходимлари учун керакли меҳнат шароитини яратиб қўяди. Шунинг учун ҳам улар ўз ишининг усталари билан ишлашни маъқул деб билишади.

Бозор иқтисодиёти аёвсиз бўлиб, рақобатга дош беролмаган ёшларни ўзи хоҳлаган соҳада эркин меҳнат қилишларига йўл қўймайди ва сиқиб чиқаради. Бизнинг фикримизча, меҳнат бозоридаги рақобат ҳар бир инсоннинг интилиши ва ҳатти ҳаракатига боғлиқ. Яъни меҳнат бозоридаги рақобат билимларга асосланганлигини унутмаслик даркор. Айниқса, ёшларда амалий тажрибанинг етишмаслиги сабабли меҳнат бозорига илк марта кириб келган ёшларда мураккаб ҳолатлар юзага келади. Натижада ишсизлик ёшларнинг ижтимоий-руҳий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам битирувчиларни ёшлар меҳнат бозорига кириб келишидан аввал уларнинг маънавий руҳий жиҳатдан шакллантириш масаласи юзага келади. Асосан шу йўл билан уларнинг меҳнат бозорида эркин ҳаракат қилишларига кўмак бериш мумкин.

Ёшларнинг мактабларда таълим олиши ёки ўқимаганлиги, ишлаётганлиги келажакда иқтисодий ўсиш, ривожланиш ва давлатнинг барқарорлигига ҳам муҳим таъсир кўрсатади. Агар ёшлар эътибордан четда қолса иш билан банд бўлмаган ёшлар жиддий ижтимоий оқибатларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Ёшларнинг ишсизлиги аввало нотинчликни келтириб чиқариши аянчлидир. Аммо муносиб иш ўринларини яратиш, таълимга инвестиция киритиш орқали уларнинг жамиятда ўз ўринларини топиш учун имконият яратиб бериш, назоратга олиш, келажакда давлатнинг фаровонлиги учун ҳисса қўшади.

---

<sup>20</sup> [http://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---ed\\_norm/---relconf/documents/meetingdocument/wcms\\_175421.pdf](http://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---ed_norm/---relconf/documents/meetingdocument/wcms_175421.pdf)

Бутун дунёда йигитларга нисбатан ёш қизларнинг ишсизлиги юқорироқ эканлиги кузатилади. Қизлар ва ёш аёллар дунёдаги 621 миллион ёшларнинг аксарият қисмини ташкил қилиши янада аянчлидир<sup>21</sup>. Бундан кўриниб турибдики ишсизлик дунёнинг деярли барча минтақаларида қизларга ва ёш аёлларга кўпроқ таъсир қилади. Шимолий Африка ва Араб давлатларида ишсизлик даражаси юқори. Араб давлатларида ёш қизлар ва аёлларнинг уй ишчилари сифатида фаолият юритишади. Аёллар уйдан ташқарида “кўринмас” уй ишлари билан шуғулланишади. Лекин бу ҳам тартибга солинмаган норасмий бандликни ифодалайди.

Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, мамлакатларнинг 90 фоизида аёллар учун иқтисодий тенгликка (баъзи ўринларда гендер тенгликка) тўсқинлик қиладиган камида битта қонун мавжуд. Масалан, 18 та мамлакатда аёл ишлаши учун эридан рухсат сўраши керак<sup>22</sup>. Албатта эрлари рухсат бергандагина аёлларимиз ишлашлари мумкин. Ишлашлари учун ўз эрларидан рухсат олиш ҳам улар учун муаммога айланади. Гендер меъёрлари қизлар ёки ёш аёллар учун таълим олиш, меҳнат бозорида иштирок этиш четлаб ўтилади. Ушбу ижтимоий меъёрларга ва муносабатларга қарши туриш учун оилалар, жамоат ва диний раҳбарлар, эркаклар ва ўғил болалар билан ишлаш жуда муҳим деб ҳисоблаймиз. Чунки бундай ҳолатлар бизнинг юртимизда ҳам учраб туради. Шунинг учун ҳам ҳамкорликда ишлаш, гендер тенгликни тушинтириш, ота – оналар, жамоа ва иш берувчилар билан ишлаш орқали ёш аёлларнинг иқтисодий имкониятларини оширишга кўмак беришимиз мумкин.

Юқорида келтирилган фикрлардан кўриниб турибдики ишсизликнинг ўзи муаммо, ёшларнинг ишсизлиги эса жиддий муаммо. Ёшларнинг ишсизлиги жамиятнинг иқтисодий ўсишига ва ривожланишига таъсири катта. Уларнинг иш билан таъминлаш назорат қилинмаса, ёшлар ишсизлиги жиддий ижтимоий оқибатларга олиб келиши мумкин. Чунки ишсиз ёшлар баъзи психологик сабабларга кўра ўзлари билиб ёки билмаган ҳолда жиноят кўчасига кириб қолишлари ҳам мумкин. Ёшлар бошқа ёш гуруҳларига нисбатан ишонувчан, даромад топишга бўлган интилишлари, ўзларига нисбатан талабларининг юқорилиги ва шунга ўхшаш психологик кечирмалар туфайли илмсизлик оқибатида жиноий ишларни содир этишади.

---

<sup>21</sup> <https://plan-international.org/eu/youth-unemployment-facts>

<sup>22</sup> <https://plan-international.org/eu/youth-unemployment-facts>

Маълумотларга кўра, 2020 йилнинг 10 ойи давомида юртимиз ёшларининг 22 минг нафари жиноятга қўл урган<sup>23</sup>. Бу эса албатта уларнинг ишсиз, назоратсиз қолганликлари оқибатида юзага келган деб изоҳлаш мумкин.

Ёшларни иш билан таъминлашдаги қийинчиликларнинг асосий сабабларини қуйидагича изоҳлаш мумкин: ёшлар касбий билимларининг етишмаслиги, зарур малака ва меҳнат кўникмаларини йўқлиги, касбий тайёргарлик, меҳнат этикаси ҳали тўлиқ шаклланмаганлиги ва бошқалар. Чунки кўпчилик ёшларда бозор муносабатлари, ўзи эгаллаётган касб-ҳунар имкониятлари тўғрисида кўпроқ хаёлий таассуротлар устунлик қилади. Илк касбий фаолиятга кириб боришнинг биринчи давридаёқ бу тасаввурларнинг амалга ошмаслиги натижасида ёшларда ҳадиксираш, журъатсизлик билан боғлиқ мураккаб ижтимоий-психологик ҳолатлар вужудга келади. Бу муаммоларни олдини олишда ёшларни касбга йўналтириш жараёнини босқичма–босқич амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ёшларни касбга йўналтиришни босқичма–босқич амалга оширишда қуйидагиларга: касблар билан таништириш, қизиқишларини аниқлаш, имкониятларини ўрганиш, иқтидорлилик даражасини олдиндан кўра билиш жараёнларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Юқорида келтирилган фикрлар ва ўрганилган манбаларга асосланиб ёшлар ишсизлигини олдини олиш учун қуйидагиларга эътибор бериш муҳим деб ҳисоблаймиз:

- мактаб давридан ёшларни касбга йўналтириш;
- уларда меҳнат бозоридаги рақобатбардошликка психологик жиҳатдан тайёрлаш, ўз талаб имкониятларини иқтидори ва имкониятларига қараб тўғри шакллантиришни тушинтириш;
- олий ўқув юртлари талабаси бўла олмаган ёшлар билан алоҳида ишлаш механизминини шакллантириш;
- ҳорижий давлатларда меҳнат қилиш истагида юрган ёшларни ноқонуний чиқиб кетишларини олдини олиш;
- мактабни битиргандан ўз меҳнат фаолиятини бошлай олмаётган ёшлар билан шаҳар, туман, қишлоқ марказларида, “Ёшлар гузарида”, касбга тайёрлаш қисқа курсларини ташкил этиш;

---

<sup>23</sup> <http://navoimehnat.uz/yangiliklar/360-zhinoyatchilik-va-ishsizlik->

## **Фойдаланилган манбалар**

1. <https://ru.euronews.com/2020/01/29/youth-unemployment>
2. [https://ru.wikipedia.org/wiki/Поколение\\_ни-ни](https://ru.wikipedia.org/wiki/Поколение_ни-ни)
3. <https://rg.ru/2021/02/04/rossii-neobhodimo-preodolet->
4. <https://president.uz/uz/lists/view/4105>
5. <https://plan-international.org/eu/youth-unemployment-facts>
6. [http://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---ed\\_norm/](http://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---ed_norm/)
7. <http://navoimehnat.uz/yangiliklar/360-zhinoyatchilik-va-ishsizlik>

# ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ВИРТУАЛЬНОГО ТУРИЗМА ПОСРЕДСТВОМ УЧАСТИЯ МОЛОДЫХ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЕЙ И ИТ-СПЕЦИАЛИСТОВ УЗБЕКИСТАНА

**Мадина Ишмурадова**

*Координатор Бизнес Инкубатора, Сингапурский Институт  
Развития Менеджмента в Ташкенте*

**Аннотация.** Данное исследование представляет собой информационный поиск с последующими обобщениями полученных данных на тему использования методов разработки компьютерных игр для, в первую очередь, оптимизации туринговых и экскурсионных процессов, а также популяризации туризма как такового, и является частью более глубокого тематического исследования, план и методология которого на данный момент разрабатывается совместно с GameDev Goethe Institute, который является единственной стартап площадкой для молодых предпринимателей в области разработки игр Узбекистана. Одним из источников для обобщённых выводов по данной теме стал Amadeus Global Report, для осуществления которого было опрошено 1437 путешественников из Бразилии, Китая, России, Испании, Объединённых Арабских Эмиратов, Великобритании и США (Amadeus Global Report, 2020). Судя по указанным в отчёте цифрам, существование виртуального туризма определяется его специфическими особенностями: данный продукт является товаром лояльности и доверия, решения потребителей основываются исключительно на информации, полученной ими заранее; отрасль очень разветвлена и основана на всемирном сотрудничестве самых разных заинтересованных сторон. Путешествия и туризм - ведущая область применения электронной коммерции, на которую приходится почти 50% от общего оборота b2c (Werthner, 2002). Следовательно, эта отрасль напрямую зависит от передовых ИТ-приложений, а также игр, которые формируют у клиента чувство безопасности. Иначе говоря, путешествия и туризм могут служить примером того, что происходит и будет происходить на развивающихся электронных рынках, указывая на структурные изменения, а также на сложные сценарии применения. Однако, данная сфера достаточно слабо развита в пределах страны, и представлена минимальным количеством компаний, по большей части стартап проектами, нуждающимися в финансировании и инвестициях.

**Key words:** *game development, artificial intelligence, e-tourism, digitalization*

**Ключевые слова:** *разработка игр, искусственный интеллект, виртуальный туризм, цифровизация*

## Список литературы

1. Julian K Ayeh (2015) 'Travellers' acceptance of consumer-generated media: An integrated model of technology acceptance and source credibility theories', *Computers in Human Behavior*, 48, pp. 173-180.
2. Amadeus Global Report (2020). Available at: <https://corporate.amadeus.com/en/annual-reports/amadeus-annual-report-2020> (Accessed: 24th June 2021).
3. Mia Consalvo, Christopher A Paul (2019) 'Real Games: What's Legitimate and What's Not in Contemporary Videogames', MIT Press
4. Discover Premier Inn (2021). Available at: <https://www.premierinn.com/gb/en/hub.html> (Accessed: 24th June 2021).
5. Wolfram Höpken, Matthias Fuchs, Markus Zanker, Thomas Beer (2010). 'Context-based adaptation of mobile applications in tourism'. *Journal of Information Technology & Tourism* 12 (2), pp. 175-195
6. Marriott Hotels Introduces The First Ever In-Room Virtual Reality Travel Experience (2015). Available at: <https://news.marriott.com/news/2015/09/09/marriott-hotels-introduces-the-first-ever-in-room-virtual-reality-travel-experience> (Accessed: 24th June 2021).
7. Qantas Virtual Reality app (2020). Available at: <https://www.qantas.com/au/en/promotions/virtual-reality.html> (Accessed: 24th June 2021).
8. Hannes Werthner (2002). 'Intelligent systems in travel and tourism'. *IJCAI 2003: 18th International Joint Conference on Artificial Intelligence*.
9. Zheng Xiang, Zvi Schwartz, John H Gerdes Jr, Muzaffer Uysal (2015). 'What can big data and text analytics tell us about hotel guest experience and satisfaction?'. *International Journal of Hospitality Management*, 44, pp. 120-130
10. Указ №УП-6079 05.10.2020 Президента Узбекистан об утверждении стратегии «Цифровой узбекистан-2030»

